



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎҚИТУВЧИЛАР МЕҲНАТИНИ ҚЎШИМЧА РАҒБАТЛАНТИРИШГА ДОИР ЭКСПЕРИМЕНТ ЎТКАЗИШ ВА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ТАРМОҚ СЕТКАСИГА ЎТИШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этади, республикада ўқитувчи қасбининг аҳамияти ва обрў-эътиборини ошириш, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантириш ва улар ҳаётининг моддий шарт-шароитларини яхшилаш юзасидан изчил, аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдорлари бир неча марта оширилди. Бошланғич синфлар ўқитувчиларига ойлик устамалар, ўқитувчиларга синф раҳбарлиги, дафтарларни текширганлик, ўқув кабинетлари ва лабораторияларига мудирлик қилганлик учун қўшимча ҳақ белгиланди ва 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб уларнинг миқдори анча оширилди. Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ ўқитувчилар учун педагогик юклама мақбуллаштирилди.

Шу билан бирга, ўқув ва тарбия жараёнига ўқитувчиларнинг шахсий улушини ҳолисона баҳолаш масаласи ниҳоятда мураккаб эканлигини ҳисобга олган ҳолда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ва 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида олдинга қўйилган вазифаларни ҳал этиш юзасидан ўқитувчилар ва методистлар меҳнатини баҳолаш механизмини ва мезонларини ишлаб чиқиш ишларини янада давом эттириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқитувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнига шахсий улуши мезонларини аниқлашга ёндашувларни ишлаб чиқиш ва умумтаълим муассасаларининг қобилиятли, ўз касбига содиқ

ўқитувчиларини моддий рағбатлантиришнинг самарали механизмини барпо этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Республика вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг кенг иштирокида ўқитувчиларнинг юксак касб малакасини ва уларнинг ўқув ва тарбия жараёнига шахсий улушини ҳисобга оладиган ўқитувчиларни рағбатлантириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш масалалари муҳокама қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Республика педагогика жамоатчилиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2004—2005 ўқув йили мобайнида, 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб:

умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ улуши, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун — ўқувчиларни тест синови натижалари бўйича аниқланадиган ўқувчиларнинг таълим стандартларини ўзлаштириб олиш даражасига қараб 25 фоизгача миқдорда;

умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига улар томонидан тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари ишлар олиб борилганлиги учун — ўқувчиларнинг тўғрақлар ва секциялардаги

мунтазам машғулотларга ва ижодий фаолиятга жалб этилиши даражасига қараб 15 фоизгача миқдорда;

методика кабинетлари методистларига ўқув жараёнида фойдаланиладиган ўқув-методик материаллар ишлаб чиқишга, янги педагогика технологиялари жорий этишга, ўқитувчиларнинг илғор тажрибаси кенг ёйилишига қўшган шахсий улуши учун 25 фоизгача миқдорда тариф сеткасига ойлик махсус устамалар белгилаш бўйича эксперимент ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари таклифларини умумлаштириш асосида умумтаълим муассасалари ўқитувчилари ва методика кабинетлари методистларининг шахсий улушини аниқлашда ва уларга устамалар белгилашда қўлланиладиган асосий мезонлар ишлаб чиқилганлиги ҳамда Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ва методика кабинетлари методистларига устамалар белгилаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

тариф ставкасига кўрсатилган махсус устамалар умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ва методик кабинетлар методистларига ўқитувчилар учун умумтаълим муассасалари ҳузурда, методистлар учун эса — халқ таълимини бошқариш ҳудудий органлари ҳузурда тузилади-

ган махсус комиссиялар қарорлари асосида белгилаш;

умумтаълим муассасалари ҳузурдаги махсус комиссиялар таркибига умумтаълим муассасалари раҳбарлари, педагогика кенгаши аъзолари, шунингдек ота-оналар қўмитасининг фаол аъзоларини киритиш;

махсус комиссияларга раҳбарлик қилиш тегишли равишда умумтаълим муассасалари ҳамда халқ таълимини бошқариш ҳудудий органлари раҳбарлари зиммасига юклаш;

ўқитувчилар ва методистларнинг тариф ставкасига устамаларнинг ҳолисона, ошқора ва тўғри белгиланиши юзасидан назорат туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларига юклаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси (А.А.Азизхўжаев), Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ўтказилаётган эксперимент натижаларини 2004—2005 ўқув йили якунлари бўйича умумлаштирсинлар ва танқидий баҳоласинлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ўқув-тарбия жараёнига ҳисса қўшган ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш юзасидан аниқ таклифлар киритсинлар. Бунда ўтказилаётган экспериментга халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш бўйича тайёргарлик босқичи сифатида қаралсин.

5. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази Халқ таълими вазирлигига, тасарруфида умумтаълим муассасалари бўлган вазирликлар (идоралар)га мазкур экспериментни ўтказиш давомида ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорга мувофиқ жорий йилнинг 1 сентябрдан бошлаб умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва методик кабинетлар методистлари иш ҳақига кўрсатиб ўтилган устамаларни жорий этиш бўйича эксперимент ўтказилиши билан боғлиқ харажатлар учун зарур бюджет маблағларини ажратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан бирга, 2005 йил 1 январгача бўлган муддатда 2005 йил 1 сентябрдан бошлаб халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш принциплари ва механизми тўғрисида аниқ таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва А.А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси**

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 15 июль



RUSTAM QOSIMJONOV TAQDIRLANDI

Shaxmat bo'yicha 2004-yil jahon birinchiligida g'oliblikni qo'lga kiritib, xalqimizga xos yuksak intellektual salohiyat namunasini amalda namoyon etgani, Vatanimizning xalqaro maydondagi obro'-e'tibori va nufuzini oshirish, uning shuhratini butun

dunyoga tarannum etishga qo'shgan ulkan hissasi uchun Rustam Qosimjonov Prezidentimiz farmoniga ko'ra, Amir Temur ordeni bilan taqdirlandi.

PREZIDENTIMIZGA MAKTUB

Rustam Qosimjonov Tripoli shahridan Prezidentimiz Islom Karimovga tashakkur maktubini yo'lladi. U shunday jumalalar bilan boshlanadi: "Assalomu alaykum muhtaram Islom Abdug'anievich! Shaxmat bo'yicha Jahon chempioni bo'lishim munosabati bilan menga yo'llagan tabrigingizni katta hayajon bilan o'qib chiqdim! Bunday yuksak e'tibor uchun Sizdan juda minnatdorman. Men bu yutuqni ustozlarimning mehnati va albatta, Sizning bevosita e'tibor va g'amxo'rliğingiz natijasi deb bilaman." Maktubda Rustam Qosimjonov ushbu g'alabani eng ulug' bayramimiz, O'zbekiston Mustaqilligining 13 yilligiga bag'ishlayman deb alohida takidlagan.

GAZETANI VARAQLAGANDA:

**ТАҲРИРНИНГ
ПИРИ, КИТОБНИНГ
ҚУЛИ**

4-бет

**УСТОЗ
НОМИГА ДОФ
ТУШМАСИН**

6-бет

**ШАХМАТ — ҲАМ
СПОРТ, ҲАМ
САНЪАТ, ҲАМ ФАН**

5-бет

**ЁМФИРНИ
ШУНДАЙ
ЁҒДИРИШАДИ**

13-бет

SO'NGGI UCH KUN
MUJDALARI

RUSTAMNING G'ALABASI

O'ZBEKISTONGA SHARAF KELTIRMOQDA

Rustam Qosimjonovning g'alabasi dunyoning turli mamlakatlardagi ko'psonli shaxmat muxlislari, mutaxassislar, jurnalistlar hamda mamlakatimiz do'stlari tomonidan yuksak olqish-e'tirofga sazovor bo'lmoqda. Bu haqda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov nomiga kelayotgan fabrik maktublari, xorij matbuotidagi sharhlar shahodat bermoqda, — deb xabar tarqatdi "Jahon AA".

Shunday maktublari Rossiya Olimpiya qo'mitasi prezidenti Leonid Tyagachev, "Germaniya—O'zbekiston—Germaniya" jamiyati raisi Elizabet Mochmandan keldi. Bundan tashqari, O'zbekiston Prezidenti va yangi jahon chempioni Isroil hukumati vaziri Natan Sharanskiy ham samimiy qutlab, o'z tabrigini quyidagicha ifodalagan: "Men shaxmatni yuksak qadrlovchi inson va ajoyib mamlakatimizning azaliy do'sti sifatida sizlar bilan birga shodman va faxr tuyg'usiga to'laman. Shaxmat qadimiyligi va hamisha navqiron o'yin sifatida o'zbek zaminida ikkinchi hayotga ega bo'ldi. Rustamning ajoyib g'alabasi bu o'zbek xalqiga doimo shuhrat keltirgan bitmas-tuganmas aqliy va ma'naviy salohiyatning yana bir isbotidir".

Shu bilan bir qatorda AQShda nashr etiladigan "Washington Tayms" gazetasi Rustam Qosimjonovni "Mohir usta" deb ta'riflagan. Maqola muallifi taniqli shaxmatchi, sharhlovchi Lyubomir Kavalek Rustam Qosimjonov musobaqaning so'nggi bosqichlarida "hayrotomuz va beshafqat o'yin" namoyish etganini e'tirof etgan.

Bugun kechqurun Rustam Toshkentga qaytib keladi. Uni ona-yurt diydori, qadrdon hamyurtlarning qizg'in olqishlari kutmoqda.

KUP YILLIK ORZULARIMIZ
USHALMOQDA

Yangi yilni mamlatimiz xalq ta'limi tizimi xodimlari, ayniqsa, umumiy urta ta'lim maktablari o'qituvchilari u'ziga bir kutarinki kайфият, z'ur kуч-fайрат bilan bo'shlashiga aminmiz. Z'ero, bunga bizda etarlicha asos bor. Xususan, s'unggi pайтда мамлатimiz ta'lim tizimida amalga o'shirlaётган tub isloхотlar natijasida u'larok, respublikaimizda maktab ta'limini rivojlantirish borasida ham amaliy sa'y-xarakatlarning bo'shlab yuborilganligi biz, maktab u'qituvchilari, beхад хурсанд qилмоқда. Prezidentimizning matbuotda эълон qilingan "2004-2009 йилларда Maktab ta'limini rivojlantirish Davlat umummilliy dasturi t'ug'risida"gi Фармон va uning iжроси юзасидан қабул qilingan Vazirlar Маққамасининг "2004-2009 йилларда Maktab ta'limini rivojlantirish Davlat umummilliy dasturini amalga o'shiriш chora-tadbirlari t'ug'risida"gi qarori bugun so'xa ходимларининг хар бирига k'ushimcha масъулият юклайди, албатта. Ushbu хужжатларда maktablarнинг modдий-техника базасини rivojlantirish, u'qituvchilar meхнатини munosib рағбатlantirish каби масалаларга, аyniqса, қишлоқ жойларидаги u'qувchilarning келажигига давлат миқёси ҳамда умуммиллий даражада эътибор берилaётганлигини u'қиб, юракларимиз энтиқиб кетди.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳридан 100 километр йироқроқда, баланд тоғ ч'ўққилари бағридаги Чимён қишлоғида жойлашган мактабимиз 1936 йилда қурилган бўлиб, у с'унги

йилларда авария ҳолатига келиб қолган эди. Хатто илм масканида mavjud шароитларнинг талаб даражасига javob бермаганлиги сабаб, ўтган ўқув йилини jamoamiz билан худудимиздаги "Baxt" болалар ёзги дам олиш оромгоҳи биноларида ўтказишга мажбур бўлдик. Қийинчиликлар жудаям кўп бўлди. Кузги-қишки мавсумда ўқувчиларимизнинг иситилмайдиган, ёзги павильонларда ўқишни бир тасаввур қилиб кўринг-а. Хайрият, туман ҳокимлиги ва ХТБ мутасаддилари қараб туришмади. Вақтинчалик "мактабими-

жавоб берувчи синфхоналар, лаборатория машгулотлари учун махсус хоналарнинг кўз олдимизда барпо этилаётганлигини кўриб, муқтарам Юртбошимизга, ҳукуматимизга чексиз миннатдорчилигимизни ихсдор қилгимиз келади.

Yangi maktabimiz qurilishi пойтахтдаги "ASEL-SAN" ўзбек-турк қўшма корхонаси мутахассислари томонидан амалга ошириляпти. Корхона бош директори Эмин Гёкоглунинг бевосита раҳбарлиги остида айна дамда 4-5 та бригада ишчилари эрта тонг соат 6.00 дан тунги 2.00 гача, яъни кечаю кундуз меҳнат қилашаётир. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, янги мактаб қурилишига ўқитувчиларимиз ҳам бефарқ эмас. Улар ҳамда маҳаллий ёшлардан ташкил этилган бригадалар қурувчиларга хар томонлама ёрдам беришаяпти. Мақсад эса битта — янги ўқув йилини янги бинода бошлаш. Шу боисдан ҳам барча ўқитувчиларимизнинг кайфияти кўтаринки. Yangi ўқув йилини з'ур куч-ғайрат билан кутиб олиш ниятидамиз. Z'ero, янги мактабда ҳамма нарса янгича бўлиши керак. Yangi либос барибир яхши ярашади деганларидек, янги ўқув йилида илм масканимизда биз учун яратилган барча шароитлардан оқилона ва самарали фойдаланиб, янгидан-янги ютуқларга эришмоқ йўлида munosib равишда меҳнат қилишимиз даркор.

Дониёр УМАРТОЕВ,

Бўстонлиқ туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактаби директори

Munosabat

z'ning ўзида реконструкция ишлари бошланиб, бу ерда 10 та синфхонани кўмир билан иситиш йўлга қўйилди. Аммо, дарс жараёни 3 навбатда ташкил этилиб, бу ўқитувчилар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам анча ноқулайликлар яратди.

Хайриятки, бунинг барчаси орқада қолди. Бугунги кунда эски мактабимиз тубдан бузилиб, унинг ўрнига янги 240 ўринли мактаб қуриляпти. Ushbu ззгу мақсад учун давлатимиз томонидан 529 миллион сўм маблағ ажратилди. Yangi maktab loyihасини кўриб, кўзинг қувонади. Лойиҳачиларга катта раҳмат. Айни чоғда қишлоқ ёшлари кўп йиллардан буён орзу қилиб келган замонавий спорт мажмуи — теннис корти ва спорт турлари бўйича махсус майдончалар, мажлислар зали ва ошхона, барча талабларга

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган таълимнинг таркиб соҳасига тегишли фармонлари ҳамда Вазирлар Маққамасининг бир қатор қарорлари умумий ўрта таълим мактаблари, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, улар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизimini яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатlantirishни кучайтиришга ҳам қаратилган. Шунга мувофиқ яқинда республика Президентининг "2004 йил 1 августдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги фармонига ҳамоҳанг тарзда Вазирлар Маққамасининг "Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатlantirishга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда "Ўқитувчилар меҳнатини рағбатlantirishга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таъ-

ТАЪЛИМДА СИФАТ
КАФОЛАТИ

У ўқитувчи моддий таъминоти билан боғлиқ

лими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди.

Савол тугилади: ушбу қарорларнинг маъно-моҳияти қандай? Энди ўқитувчиларнинг бир ойлик маоши неча сўмни ташкил этади-ю, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизими таълим ислохотига қандай таъсир кўрсатади? Кеча республика Таълим марказининг йиғинлар залида бўлиб ўтган анжуманининг аҳамиятли томони шундаки, унда иштирок этган Тошкент шаҳри ва вилоятидан келган ўқитув-

чилар, вилоят халқ таълими бошқармалари, туман(шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳисобчилари, иқтисодчилари, вазирлик тасарруфидаги ташкилотларнинг бош ҳисобчилари, раҳбар ходимлари айна саволларга javob топишди.

Анжумани республика Халқ таълими вазирлигининг режалаштириш ва молиялаш бош бошқармаси бошлиғи Ш.Фуломов очар экан, ўқитувчининг таълим сифатини кафолатлашдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратди.

— Ўқувчи камоли ўқитувчи меҳнатига, — деди Ш.Фуломов. — Шу боис ўқитувчилар меҳнатини рағбатlantirish борасида таркиб топаётган янги тизим соҳа ривожига ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

Анжуманда, шунингдек, республика Молия вазирлигининг ижтимоий соҳани молиялаштириш бош бошқармаси бошлиғи Шухрат Мансуров, Молия вазирлиги тасарруфида ташкил этилган Бюджетдан ташқари мактаб таълимини ривожlantirish жамғармаси ижрочи дирекцияси директор ўринбосари Носир Хўжаев, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Сойибжон Алиев ҳамда бош мутахассис Ботир Раҳимбоев иштирок этди ва мактаб таълимини ривожlantirish умуммиллий давлат дастурининг бажарилиши юзасидан амалга ошириляётган ислохотлар мазмун-моҳияти юзасидан иштирокчиларнинг берган саволларига javob қайтаришди.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Ma'rifat" муҳбири

ЎҚИНГ,
ҚУТЛАНГ
ВА ЁЗИНГ!

Яхши нарса — ҳамиша яхши. Иштиёқ билан ёзилган битик ҳам муаллиф қутган ва кутмаган ҳолда самимий чиқади ҳамда у ҳақли равишда эътироф этилади. "Ma'rifat" танловидан бохабар муштарилар июнь ойи якунларини кутаётган бўлса, ажаб эмас.

Демак, ўтган ой голибларини қутланг:

1. "Энг яхши саҳифа" номинацияси бўйича "Китоб ўқишни биласизми?" кўшсаҳифаси (М.Саъдий, 9 июнь) энг кўп овозга эга бўлди.

2. 2 июнь сонидан эълон қилинган "Тириклик лаззати ёхуд..." (Х.Тўйманова) мақоласи энг яхши мақола деб топилди.

3. Гофур Жабиевнинг Ўзбекистон халқ артисти Марям Сатторова билан қилган "Мақомнинг умри бокий" сарлавҳали суҳбати (14 июнь) "Энг яхши интервью" номинацияси бўйича голиб бўлди.

4. 9 июнь сонидан С.Файзуллаевнинг "Янги ахборот маркази" сарлавҳали хабари "Энг яхши янгилик" номига сазовор бўлди.

5. Газетанин 19 июнь сони 15-бетидан суратлар муаллиф Р.Галиевга "Энг яхши фотосурат" номинацияси голиблигини тақдим этди.

6. "Талабаларнинг энг яхши публицистик мақоласи" дея ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси Г.Раззоқованин "Деворий газета — мактаб ойинаси" сарлавҳали мақоласи (9 июнь) танланди.

Танлов давомий. Шундай экан, газетада иштирокингиз ҳам давомий бўлсин, азиз муштарий!

Ўқувчиларнинг ёзги таътили давом этаётган айна паллада таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш қизгин кечмоқда. Таълим муассасаларида таъмирлаш ишлари қандай аҳволда? Бу жараён бир маромда олиб бориляптими ёки муаммолар ҳам mavjudми? Ана шу масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида Бектемир тумани 290-ўрта умумтаълим мактабидан капитал таъмирлаш жараёни билан танишдик.

МАКТАБ ЗАМОНАВИЙ
ТУС ОЛМОҚДА

Мазкур илм масканида таъмирлаш ишлари март ойида бошланган. Бугунги кунгача 32 та синфхона, 8 та коридор, 2 та омборхона ҳамда методика хонаси тайёр ҳолга келтирилган. Ошхона, спорт зали, мажлислар залида эса иш қизгин давом этмоқда. Асосий марказий коридор энг с'унги навбатда таъмирланиб, биринчи августга қадар якунланиши мўлжалланган. Мактабни капитал таъмирлаш учун Осие тараққийёт

банки томонидан 40 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, таъмирлаш ишлари тугагунга қадар 69 миллион сўм харажат қилиниши кўзда тутилган. Маблағ етмаган қисмига туман ҳокимлиги томонидан ёрдам берилмоқда.

Дастлаб "Дўстлик—Салом" масъулияти чекланган жамиятининг 70 нафарга яқин мутахассис ишчилари бошлаган бу хайрли ишнинг даяри асосий таркиби тайёр бўлгач, ҳозирда ишни 30 нафарга яқин ишчилар давом эттирмоқда. Улар томонидан бажариляётган ишларнинг пухта ва шиқлиги, маҳсулотлардан унумли фойдаланиляётганлиги, бир сўз билан айтганда, ишнинг сифати яққол намоён бўлмоқда. Яроқсиз ҳолдаги барча эшиклар янгисига алмаштирилди. Фойдаланса бўладиганлари эса капитал таъмирланиб, яна ўз ўрнига ўрнатилди. Дераза ромларига мутахассислар томонидан янгилик киритилди. Уларнинг барчаси катта ҳажмдаги ойналарга мўлжалланган эди. Пухта ишлов берилиб, тўрт қисмга бўлиб чиқилгандан кейин хар томонлама қулайлиги кўриниб қолди. Иссиклик тизими 99 фойизга янгиланди. Ёруғлик тизими ҳам тўлиқ текширувдан ўтказилди, фақат чиروқларни ўрнатиш қолди. Том қисми ҳам тўлиқ таъмирдан



Jarayon



чиқди. Мутахассислар томонидан қилинган ишларнинг яна бир янгилиги — ташқаридаги ҳожатхона ичкарига қўйрилмоқда. Кириш эшиги ҳам коридорнинг марказида бўлиши режалаштирилмоқда. Хуллас, мактабда замонавий қиёфа акс этмоқда.

— Ишни ўз вақтида бошлаб, тугатиш арафасида турганимиз, бизга хар томонлама мамнунлик бағишламоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими мудир Ш.Файзулла Ш.Шоаҳмедов. — Бу Фармонда кўзда тутилган ва бажарилиши лозим бўлган ишларнинг дастлабки амалий ифодасидир.

Yangi binoni k'urgazmali qurullar bilan bezash ishlari ham puxta yilab q'uyiladi. Хар бир синфхонада давлат рамзлари ва "Камолот бурчаги"ни ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

Гофур ЖАБИЕВ,
"Ma'rifat" муҳбири
Суратларда: таъмирлаш жараёнидан лавҳалар.

Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

Овга чиқмоқни ният қилган сайёғ ширга қуролсиз чиқиши моҳиятан тўғри бўлмаганидек, ўқитувчи ва ўқувчининг дарс жараёнида дарслик (ўқув қўлланма, дастур)сиз иштирок этиши ҳам мантиқсизлик бўлади. Зотан, дарслик муаллиму ўқувчининг энг асосий қуроли саналади. Шу боис ва ўқувчиларни ўқишга янада рағбатлантириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан уларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими ишлаб чиқилган эди. Мамлакатимиз Президентининг жорий йил 21 майдаги "2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармонида ҳам узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ҳамда янгиларини

яратиш дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Яқиндагина, яъни шу йилнинг 9 июль санасида Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига эса умумий ўрта таълим мактаблари учун дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар нашр этиш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда 2004 йил 20 августгача Вазирлар Маҳкамасига киритиш белгиланган.

Хўш, бу борада Халқ таълими вазирлиги қандай ишларни бажараяпти? Шу ва мавзу доирасидаги бошқа саволларга ХТВнинг Дарсликлар ва ўқув хужжатлари бўлими бош назоратчиси Маҳмуда ТУРСУНОВА жавоб берди.

— Дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимини тажриба-синовдан ўтказиш 2001 йилнинг сентябрь ойидан мамлакатимизнинг 14 та туманида

ўқувчилари она тили, ўқиш, математика, рус тили, "Атрофимиздаги олам" ("Табиатшунослик") дарсликлари билан ижара усулида таъминланадилар.

лозим экан. Шунингдек, "Тажриба-синов мактабларида дарсликлар билан ижара тизими ва дарсликлар айланма жамғармасини татбиқ этиш Тартиби"-

микдори ва ўқувчилар рўйхати мактаб маъмурияти томонидан расмийлаштириб қўйилади.

Хар бир мактаб маъмурияти ота-оналар кўмитаси билан келишган ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган ижара ҳақининг миқдорини кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш мақсадида 10 фоизгача ошириш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳолат ота-оналар мажлисида тасдиқланади ва мажлис баённомасида акс эттирилади.

— Ота-она, мактаб директори, кутубхоначи ёки ўқувчининг бу борадаги ўз мажбуриятларини бузиш ҳолатлари ҳам кузатилаяптими ва уларга қандай чоралар қўлланади?

— Халқ таълими вазирлигининг "Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш ижара тизими ва Дарсликлар айланма жамғармаси тўғрисида"ги йўриқномада дарсликлар ижара тизимини амалга оширишда ота-она ва ўқувчи, кутубхоначи, синф раҳбари, мактаб директори, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари, вилоят халқ

Farmon va ijro

кичлари яхшиланганлиги, ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган қизиқиши ва ўқитувчиларнинг дарс бериш услублари ўзгарганлигини кўрсатди.

Жорий йилда ижара тўловларининг ўз вақтида амалга оширилиши борасида эса Тошкент, Бухоро ва Хоразм вилоятлари паст кўрсаткичларга эга бўлиб турибди. Мазкур муаммони бартараф этиш мақсадида жойларда ижара тизими афзалликларни тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилаётир.

— Фармонда узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ҳамда янгиларини яратиш дастурини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бу дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими фаолиятига қай даражада ўзгартириш киритади?

— Ҳозирги кунда Халқ таълими вазирлиги томонидан узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, янги авлод дарсликлари ва ўқув-услубий қўлланмалари яратиш борасида эътиборли ишлар олиб борилмоқда. Дарсликлар билан таъминлаш ижара тизими ўқувчиларни нафақат дарсликлар билан таъминлаш, балки мазмун жиҳатидан ҳозирги кун талаблари, Давлат таълим стандартлари ҳамда сифат жиҳатидан жаҳон андозаларига мос келадиган дарсликлар билан таъминлашни назарда тутди ва бу ушбу тизимнинг асосий мақсадидир.

— Мактабларни дарсликлар билан тўлиқ қамраб олиш имконият ва истиқболлари ҳақида нима дея оласиз? Вазирлар Маҳкамасининг 9 июлдаги қарорининг биринчи иловаси 3-банди бўйича Халқ таълими вазирлиги томонидан режалаштирилаётган ишлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорига ХТВ зиммасига умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар нашр этиш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси юклатилган. Шунга кўра, ХТВ дастур лойиҳасини ишлаб чиқди. Бундан кўзда тутилган мақсад ўқувчиларни дарсликлар билан тўлиқ таъминлашга эришишдир. Режа бўйича дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимини республикамиз умумий ўрта таълим мактабларининг 2004—2005 ўқув йилида 2 ва 3-синф, 2005—2006 ўқув йилида 6 ва 7-синф, 2006—2007 ўқув йилида эса 8-синф ўқувчилари учун тўлиқ жорий этиш кўзда тутилган.

"Ma'rifat" мухбири
Шерали НИШОНОВ
суҳбатлашди.

ИЖАРА ТИЗИМИ ВА ДАРСЛИК ТАЪМИНОТИ

жорий этилган. Бу рақамлар бугунги кунда қанчани ташкил этади ва мақсадга қай даражада эришилаёпти?

— Дарҳақиқат, 2001 йилнинг сентябрь ойидан ўқувчиларга дарсликлар синов тариқасида ижарага берилган бошлаган эди. Синов жараёнида бу тизим ота-оналар ва ўқувчиларга маъқул бўлганлиги аниқланди ва босқичма-босқич мазкур тизимга ўтилиши белгиланди. Таъкидлаганингиздек, 2001 йилда таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун юртимизнинг 14 та туманидаги 575 та мактабнинг 2—8-синфларига 39 номдаги дарсликлар ижара тизими асосида берилган эди. Тажриба кўнгилдагидек натижа бера бошлагач, 2002 йилда таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар учун 214 та тумандаги 8640 та мактабнинг 9-синфлари учун 10 номдаги дарсликлар ўқувчиларга ижара тизими асосида тарқатилди. Бу кўрсаткич 2003 йилда таълим ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида олиб бориладиган мактаблар учун 214 та тумандаги 9692 та мактабнинг 4—5-синфлари ўқувчилари учун 13 номдаги дарсликлар ижарага берилиши ҳисобига ортди.

2004-2005 ўқув йилида ўқувчиларни ижара тизимидаги дарсликлар билан таъминлаш янада кенгайди. Яъни, таълим ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактабларнинг 2—3-синфлари ҳамда таълим тожик, қозоқ, қирғиз, туркман тилларида олиб бориладиган мактабларнинг 2-, 3-, 4-синф

— Ижара тизимидаги дарсликларнинг чекка-чекка мактабларга тўлиқ етиб бориши борасида муаммолар кўзга ташланмаяптими?

— Халқ таълими вазирлиги дарсликларни чекка-чекка мактабларга етказиб берувчи ташкилотлар билан шартнома имзолаган. Унга асосан дарсликлар берилиши лозим бўлган мактабларга етказиб берилиши шарт. Ҳақиқатан ҳам ўтган давр мобайнида чекка мактабларга дарсликларни етказиб бериш бўйича айрим муаммолар мавжуд эди. Жумладан, етказиб берувчи ташкилотлар томонидан дарсликларни шартномада келишилган муддатлардан кечиктириб етказиб бериш ва дарсликларни белгиланган мактабларга эмас, балки туман халқ таълими бўлимларига олиб бориш ҳолатлари аниқланган эди.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун Халқ таълими вазирлиги томонидан жорий йилдан бошлаб дарсликларни манзилига ўз вақтида ва аниқ етказиб бериш бўйича назорат ишлари кучайтирилди. Шундан сўнг ўтказилган дастлабки мониторинг натижаларидан аниқ бўлишича, ҳозирги даврга келиб дарсликлар манзилига ўз вақтида ва аниқ етказиб берилмоқда.


— Дарсликлар айланма жамғармасининг айна пайтдаги аҳволи тўғрисида ҳам маълумот бера оласизми? Демокриманки, йиллик ижара тўлови ўқувчи(ота-она) томонидан ҳар йилнинг 30 сентябригача ёки ярми келгуси йилнинг 31 январигача тўланиши

да ҳар бир индивидуал мактаб кам таъминланган оилаларни кўшимча манбалар билан таъминлаш учун йиллик ижара тўловини ўз хоҳишига кўра Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган даражадан энг кўпи билан 10 фоизгача ошириш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган. Шу хусусда ҳам кенгроқ маълумот бериб ўтсангиз.

— Халқ таълими вазирлиги томонидан 2002 йилда қабул қилинган "Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш ижара тизими ва Дарсликлар айланма жамғармаси тўғрисида"ги йўриқномага асосан, ижара тўловлари дарсликлар айланма жамғармаси (ДАЖ)нинг мактаб махсус банк(АК "Пахтабанк") ҳисоб рақамига ҳар йилнинг 30 сентябригача тўланиши амалга оширилиши белгиланган.

Ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган ўқувчиларга ота-оналар кўмитаси ва мактаб раҳбарияти билан келишилган ҳолда ижара ҳақини иккига бўлиб тўлаш усулини қўллаш мумкин бўлади. Ижара тўловининг 50 фоизи узоғи билан 30 сентябригача тўланиши лозим, қолган 50 фоизи эса узоғи билан 30 ноябригача тўланиши керак бўлади.

Бундан ташқари, ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган ўқувчиларга маҳаллий ҳокимият, ҳомийлар томонидан ёки мактабнинг сармоядан ташқари топилган маблағи ҳисобидан дарсликлар тўплами учун ижара ҳақининг бир қисмини ёки тўлиқ тўлаш учун махсус ёрдам берилиши мумкин. Берилган ёрдам



Устоз Махмуд Саъдийни кўпчилик журналистларимиз мохир мухаррир сифатида билишади. Кимдир китоб ёзди, дейлик. Унинг ён-атрофдаги биродарларидан сўрайдиган илк ёрдами тахминан қуйидагича бўлади: «Бу меҳнатимни яхши бир мухаррирга ўқитиб олишим керак, кимга берсам экан?». Албатта, билганлар айрим бир мухаррирларнинг номини тилга олади, сўнг қўшиб қўяди: — «Агар чидасанг, Саъдийга олиб бор». Чидаган ижодкорнинг ўзи, аввало, ўз ижод маҳсулини роса «пишитади», кейин таҳрир устасининг «чиғириги»дан ўтказилади, алалоқибат, асар сайқал топади. Буни кўплаб ижодкорларимиз тан олишган. Дарҳақиқат, устоз таҳрир бобида ижодкорлар томонидан таҳрирнинг пири унвонини олиб бўлган.

«Мухаррир сўзни тўғри қўллаб, узун гапларни ихчамлаштириб, мазмунли гап тузадиган одамгина эмас, у ҳаётни барча мураккабликлари билан кўра оладиган, жуда кўплаб китоблар мутолаа қилган билимли, дунёқараши кенг зиёли инсон бўлмоғи керак», дейди Махмуд Саъдий.

Ишонсангиз, журналистика факультети талабалари учун шу пайтгача таҳрир соҳасида бирорта ҳам дарслик ёки қўлланма яратилган эмас. Махмуд ака ана шу саволни ишни бошлади. Аввало, у Ўзбекистон дав-

лат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида ҳам ишга кириб, «Таҳрир санъати» фани учун дастур ёзиб, уни тажрибадан ўтказиб, қўлланма тайёрлашга киришди.

Устознинг яна бир хислати — китоб йиғишини у кишини билганлар бот-бот таърифлайдилар, ҳатто уч хонали ўйи асосан китоб билан тўлалиги журналистлар, адабиётшунослар орасида афсона бўлиб кетган. Камина эса Устознинг яхши асарлар-

қўмағида уни ҳаётга татбиқ қилмоқчи. Махмуд Саъдий бу ҳақда шундай дейди:

«Менга қолса, ўқувчи ҳаётида муносиб яшашга ёрдам берадиган етук китобларни: улар бадиий бўладими, мемуар ёки илмий бўладими — умри бўйи, муттасил ўқиши керак. Масалан, мен «Алпомиш», «Қунтуғмиш» дostonларини, Навоий, Бобур асарларини, Ғаззолий, Аттор, Саройи, Кошифий, Али Сафий пандномаларини, Нехру, Маҳатма Ганди, Гёте каби

ТАҲРИРНИНГ ПИРИ, КИТОБНИНГ ҚУЛИ

ни мунтазам мутолаа қилиш одатини улуғламоқчиман. Ҳар бир янги ўқилган асардан — билимлар уммонидан энг сараларини танлаб, қисқача мазмунини одамларга сўзлаб — маърифат тарқатишини, китобдек мунис хазинага атрофдагиларнинг эътиборини қаратишини, ўқишга, ўқитишга рағбат уйғотишини алқамоқчиман. Ахир замоннинг, аниқроғи, техниканинг ривожланиб кетиши «бахонаси»да кўпчилик китоб ўқишга вақт топа олмай қолган бир пайтда, оладиган маошининг бир қисмини ҳануз китоб харидига ажратиб, олтмиш беш ёшида ҳам мутолаани давом эттираётган камтар инсонни илиқ сўзлар билан мақташ бошқа барча ишлари юмушлардан мароқли эмасми?

Устоз айни пайтда ЎзДЖТУда яна бир лойиҳани ишлаб чиқди. Энди таълим муассасаси раҳбарларининг

улуғ инсонларнинг таржимаи ҳолларини ўқишни тавсия қилган бўлардим. Бундай китоблар одамнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб олишида кўмаклашади. Шунини алоҳида таъкидлаш фарзки, ҳар бир одам, у қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, дунё бадиий тафаккурининг энг камида 100 мумтоз намунасини мутолаа қилиши (ўқиши эмас!) шарт».

У китоб ўқимаслигининг таъсирини бугун жаҳонда содир бўлаётган айрим биқик, бир томонлама фикрлашларнинг ёки фикрсизликнинг пайдо бўлишида ҳам кўради.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Махмуд Саъдий бугун ҳам фаол журналистлардан. «Маърифат» газетасининг ўтган сонидан унинг «Боланг ўзингдан яхши бўлсин!» сарлавҳали мақоласи газетхонларнинг қизиқишига сабаб бўлди.

Ҳалим САИД

ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти қошида очилган «Парламент журналистлари клуби» ўз фаолиятини бошлади. Унинг биринчи йиғилиши «Янги парламентнинг тузилиши ва вазифалари» мавзусига бағишланди. Асосий эътибор шу йили бўладиган сайловларни ўтказиш ва уни ёритишда журналистларнинг вазифаларига қаратилди. Сайлов жараёнларини ёритадиган журналистлар аввало икки палата парламенти мазмун-моҳияти, вазифалари, миллий қонунчилик меъёрий ҳужжатларини яхши билиши талаб этилади.

Тузилажак янги парламентнинг фаолияти ва вазифалари юзасидан маъруза қилган ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Х.Рўзматов журналистларга тузилажак янги парламент депутатларининг сайланишидан тортиб, унда турли сиёсий партияларнинг, ташаббускор гуруҳларнинг иштироки ҳақида маълумот берди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

«Парламент журналистлари клуби» аъзолари ҳафтанинг ҳар сешанба кунда йиғилишиб сайлов билан боғлиқ мавзуларда суҳбатлашадилар. Унга Марказий сайлов комиссиясининг мутасаддилари, ҳуқуқшунос, сиёсатчи мутахассислар таклиф қилиниши режалаштирилди.

Назира ҚУРБОН қизи

ИНСОНЛАР КЕЛАЖАГИ УЧУН

Барчамизга маълумки, 11 июль — Халқаро Аҳолишунослик кунини сифатида ер юзидан нишонланиб келинмоқда. Шу муносабат билан UNFPA — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик Жамғармаси журналистлар учун «Халқаро Аҳолишунослик ва Ривожланиш фаолият дастурини амалга ошириш ва миллий тараққиёт ривожини мавзусида матбуот анжумани ўтказди. Бу йил Аҳолишунослик ва ривожланиш бўйича Халқаро Конференциянинг ўн йиллиги нишонланмоқда. Бу конференция 1994 йил Каирда бўлиб ўтган ва унда 179 та давлат қаторида Ўзбекистон ҳам иштирок этган эди. Ушбу давлатлар конференциянинг фаолият дастурини бажариш ва инсонлар келажагини яхшилашни таъминлаш учун унинг мақсадларига эришиш мажбуриятини олган. Репродуктив саломатлик соҳасида аёлларга кенг танлаш имкониятини бериш ва бу масалаларга эркакларни жалб қилиш ва иштирок этиш бўйича кўмаклашиш, аёллар ҳамда қизлар ҳуқуқини

ҳимоя қиладиган қонунларни ва сиёсатни йўлга қўйиш, оилани режалаштириш бўйича туғилиш даражасини камайитиришга кўмак берадиган эҳтиёжларни қондириш каби бир қатор мажбуриятларни 20 йил ичида бажариши лозим. Бунинг учун эса аҳолининг репродуктив саломатлик, тиббий хизмат олиш ҳуқуқи борасидаги саводхонлигини ошириш лозим бўлади. Бу борада журналистларнинг мазкур мавзуга оид ижодий ишлари муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда UNFPA — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик Жамғармаси юқоридаги масалаларни бадиий ва тематик мақолалар, репортажларда, эшиттириш ҳамда кўрсатувларда ёритишлари учун журналистлар ўртасида танлов эълон қилди. Тадбир сўнггида журналистларни қизиқтирган саволлар асосида давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
Шаҳзод ҚАЮМОВ



Шу кунларда республикамизнинг барча олий ўқув юртларида шодийнага тўла қувончли кунлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик институтида ҳам магистратура ва бакалавр битирувчиларига дипломларни тантанали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди.

Кечагина институт оstonасига илк қадам қўйиб талаба деган шарафли номга муяссар бўлганлар, бугун магистрлик, бакалаврлик дипломлари ила олий даргоҳни тарк

ОЛТИН ДАВР РОҲАТИ...


ЭТ-моқдалар. Институт ўз тўрт йил давомида ўргатган талаба-бакалаврларни 10 йўналиш бўйича катта ҳаётга учирма қилди. Битирув кечасида сўзга чиққан устозлар, хорижий меҳмонлар, ота-оналар сазовор бўлган битирувчиларни қутладилар ва катта ҳаётга оқ йўл тиладилар. Тантана сабабчилари эса ўзлари ўрганган Шарқ тилларида оташқалб устозларига миннатдорчилик билдирдилар ва ўз мутахассисликлари бўйича олган барча билимларини юртимиз истикболи, нурли келажаги учун сафарбар этишларини билдирдилар.

Илм осмонида юлдузлар жуда кўп. Истагимиз, ёш зиёлилар маърифат осмонида мудом порлаб турувчи юлдуз бўлиб, илм истағувчи кўнгилларни зиёга буркасинлар!

Ирода ҚОДИРОВА,
Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси



Олот туманидаги ўқувчилар ижодиёт марказидаги турли тўғараклар таътил давомида ўқувчиларни ўз бағрига олмақда. Суратларда: Марказдаги тикиш-бичиш ва рақс тўғарагидан лавҳалар. Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



Рустам Қосимжоновнинг ушбу улкан ғалабаси, шахмат оламидаги янгиликлар, умуман, шахмат ҳақида суҳбатлашдик.

“Шахматни яхши билмайдиганларга ачинаман”, деган эди жаҳон чемпиони Михаил Таль. Ростдан, шахмат — чархловчи санъат. Инсон имкониятларини очиб берувчи.

Хабарингиз бор, Ливияда бўлиб ўтган шахмат бўйича жаҳон чемпионати финал баҳсининг тай-брейк қисми Ўзбекистон телевидениеси орқали тўғридан-тўғри кўрсатиб берилди. Баҳсни шахматчи-журналист, спорт устаси Акрам Тошхўжаев шарҳлаб борди. А.Тошхўжаев билан учрашиб,

— Жаҳон чемпионати арафасида Рустам Қосимжонов чемпион бўлади, деб ҳеч ўйлаганмидингиз?

— Ишонганман. Рустам Президентимиз компьютер совға қилганида ҳам, гроссмейстер бўлганида ҳам жаҳон чемпиони бўламан деб ваъда берган эди. Албатта, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг эътибори, ёшларга яратиб берилган имкониятлар шундай муваффақиятга олиб келиши керак эди. Рустам ўз ваъдасини бажарганидан ҳаммамиз хурсандмиз.

— Ўйин якунланганда ҳаяжонланиб кетдингиз...

— Чунки, бу ҳаяжонланмаса бўлмайдиган ҳолат эди-да!

Рустамнинг ғалабасини кутган эдим. Финалгача етиб келди, финалда ҳам доимо олдинда борди. Кўрсатув давомида ҳаяжонимни жиловлаб бордим, охирида “портлади”.

Яна бир қизиқ жиҳати — шахмат бўйича жаҳон чемпионати финал ўйинининг интернет орқали шарҳлаб борилиши жаҳонда илк бор Ўзбекистон телевидениеси орқали тўғридан-тўғри намойиш этилди. Икки кунда 5 соат тўғридан-тўғри эфирда бўлди.

— Шахмат оламидаги бугунги ҳолат ҳақида фикрингиз?

— Қосимжонов—Адамс ўйини якунлангач, ФИДЕ президенти кенгаши ўша ерда йиғилиш ўтказди. Унда кўрилган асосий масала — барча шахматчилар, мусобақаларни ФИДЕ байроғи остида бирлаштириш.

Хабарингиз бўлса, бундан анча йил илгари ўн учинчи жаҳон чемпиони Гарри Каспаров Профессинал шахмат ассоциацияси ташкил қилиб, ФИДЕдан фарқли жаҳон чемпионлиги учун матч ташкил қилган ва унда Владимир Крамникка ютқазиб қўйган эди. Бунгача 3-4 йил бўлди. Шунча вақтдан буён Каспаров Крамникни реванш матчиға ҳар қанча чорламансин, В.Крамник “қочиб юрибди”. Мутахассислар фикрича, ҳозирги ҳолатда Крамник Каспаровдан ниҳоятда кучсиз. Энди

Каспаров яна ФИДЕга яқинлашмаяпти.

2002 йили Чехияда “Прага протоколи” имзоланган бўлиб, унга мувофиқ Дортмундда энг юқори рейтингга эга гроссмейстерлар турнири уюштирилган, унда венгриялик

Акрам ТОШХЎЖАЕВ:

ШАХМАТ — ҲАМ СПОРТ, ҲАМ САНЪАТ, ҲАМ ФАН

Петер Лeko голиб чиққан эди. ФИДЕнинг Триполида бўлиб ўтган кенгашида жаҳоннинг мутлақ чемпиони аниқлаш учун қўйидагича йўл тутишга келишиб олинди: ПША таснифи бўйича жаҳон чемпиони Владимир Крамник Дортмунд турнири голиби Петер Лeko билан, ФИДЕ таснифи бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов тож даъвоғари Гарри Каспаров билан матч ўтказди. Ушбу баҳсларда голиб чиққан икки шахматчи мутлақ чемпион бўлиш учун ўйин ўтказди.

Энди шу ерда муҳлисларда савол туғилиши мумкин: нега даъвоғарлар сафида хиндистонлик машҳур гроссмейстер Вишванатан Ананд йўқ?

Интернет орқали ЖЧ финалини шарҳлаб боришда Р.Қосимжонов имкониятларини юқори баҳолаб борган, айтиш жоиз бўлса, унга муҳлислик қилган В.Ананд ФИДЕ таснифи бўйича жаҳон чемпиони мутлақ чемпионлик йўлида Г.Каспаров билан матч ўтказиши кераклигидан норози бўлди ҳамда шу сабабли, Триполида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этмади.

— **Рустам Қосимжоновнинг ўзига хос услуби нималарда кўринади?**

— Рустам, биринчи навбатда, ҳиссиётини жиловлай олади. Унинг тахтадаги вазияти яхшими, ёмонми, қийинроқми, хужум қиляптими ё ҳимояланаяптими, юзига қараб билиб бўлмайдими, рақибига сездирайди. Финал баҳсини интер-

нетда шарҳлаб борган В.Ананд олтинчи партия ҳақида шундай фикр билдирди. Эсингизда бўлса, ушбу партияда ташаббус оқ доналарни сурган Рустамда эди. Аммо, ўйин охирироғида биттагина хатога йўл қўйди ва бундан фойдаланган Майкл Адамс филларни алмаштириб, дурангга эришди. Бундан бошқа ҳал қилувчи кучли юриш бор эди, бироқ Адамс ўша юришни кўрмади. Ананднинг фикрича, Р.Қосимжонов ўрнида бошқа биров, айтилик, Гарри Каспаров бўлганида, хатога йўл қўйганини сездириб қўяр, саросимага тушган рақибни кўрган англиялик гроссмейстер синчковлик билан қараб ҳал қилувчи юришни топар ҳамда ғалаба қозонар эди.

Рустамнинг ўзига хос услуби яна шунда кўринадими, буни кўпчилик

га ҳам татбиқ қилиш мумкин...

— Бу фикр қайсидир маънода тўғридир, бироқ, шахмат ўйнашни умуман билмайдиган яхши журналистларимиз ҳам кўп.

Умуман олганда, шахмат— инсоннинг барча қирраларини уйғунлаштиришга хизмат қилади. Мана, мисол учун, бир ишда хато қилсак, ўзимизни оқлашга сабаб қидирамиз. Шахматда эса бирор натижага эришиш учун йўл қўйган хатонгни тан олиш, нафақат тан олиш, балки, уни таҳлил қилиб, бартараф қилишга ҳаракат қилиш — биринчи вазифа. Бусиз ривожланиш бўлмайдими. Шахмат билан шуғулланган, шахматни яхши ўйнай оладиган киши ўз хатоларини тан олиб, уларга бошқа йўл қўймасликка уринади. Худди шу маънода ушбу фазилат

инсон камолотиға хизмат қилади.

— **Физик, математиклар шахматни яхши ўйнайди деган қараш бор. Сизнинг фикрингиз?**

— Албатта, шахмат ҳам спорт, ҳам санъат, ҳам фан. Узоқни олдиндан кўра билиш, ҳисоб-китобни тўғри, аниқ юритишга ёрдам беради.

Шахматни ихтиро қилган кишиға бир қоп бугдой бериб юборинглар, деган подшо ҳақидаги ривоятни эсланг. Ушбу ажиб ўйин ихтирочисига қанча бугдой бериш лозимлигини илк бор буюк ватандошимиз Абу Райҳон Беруний ҳисоблаб чиққан.

Мутахассисларнинг ҳисоблаб чиқишларича, 64 катакда юз берадиган дастлабки ўн юришдан кейинги барча вазият вариантларини кўриб чиқиш учун ер юзидаги инсонлар 417 миллиард йил давомида шахмат доналарини тинимсиз у ёқдан бу ёққа суриб туришлари керак экан. Бу ушбу вариантлар сони Куёш системасидаги барча атомлар сонидан ҳам кўп дегани.

Рустам ҳам физиклар оиласидан етишиб чиққан. Отаси — марҳум Машриқ Қосимжонов физик эди. Амакиси — Маъруф Қосимжонов — физика-математика фанлари доктори. Сирасини айтганда, бошқа соҳа вакиллари ичида ҳам яхши шахматчилар истаганча топилади.

— **Баъзи давлатларда шахмат мактаб дастуриға киритилган дейишади...**



— Ҳақиқатдан ҳам Германия, АҚШ, Россиянинг баъзи ҳудудлари, Молдова, Словения, Чехия, Венгрия, Голландия, Англия каби бир қатор давлатларда шахмат фан сифатида ўқитилади.

Ўзбекистонда ҳам Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги бир қанча мактабларда тажриба-синов ишлари ниҳоясига етиш арафасида. Натижалар яхши бўлса, аста-секин барча мактабларимизда шахматни фан сифатида ўқитишни йўлга қўйиб олармиз, балки. Чунки, шахмат—ёшлар тарбиясининг нозик курулларидан бири.

— **Р.Қосимжоновни бу йил яна қандай нуфузли мусобақалар кутаяпти?**

— Юқорида айтиб ўтганимдек, ФИДЕ Каспаров — Қосимжонов матчини уюштириш ҳақида қарор қабул қилди. Аммо, унинг қачон, қаерда ўтказилиши ҳозирча номаълум. Вазият қандай кечишини вақт кўрсатади. Ушбу баҳсни ўтказишга ҳозирда учта шаҳар номзод бўлиб турибди. Булар — Дубай, Тошкент ва Лондон. Кўпчиликнинг фикрича, пойтахтимизнинг имкониятлари Дубай ва Лондонга қараганда кўпроқ.

Йилнинг энг нуфузли мусобақаларидан бири бу Испанияда бўлиб ўтадиган бутунжаҳон шахмат олимпиадасидир. Ўрта ер денгизидаги энг хушманзара ороллардан бири — Пальма де Мальорка оролида 14 октябрда бошланадиган ушбу мусобақа ташкил қилинганиға бу йил 80 йил тўлди. Гурурланадиган томонимиз — шахмат олимпиадасида Саидали Йўлдошев, Тоҳир Воҳидов, Владимир Егин, Антон Филлипов, Темур Галиевлардан иборат терма жамоамизни жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов биринчи тахтада баҳсларға олиб киради.

— **“Маърифат” муштарийлари, барча шахматсеварларға тилақларингиз?**

— Аввало, барчангизни Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони бўлганлиги билан яна бир бор қутлайман.

Азиз ота-оналар, фидойи муаллимларға тилагим: фарзандларингиз, набираларингизнинг шахмат билан шуғулланишларига имконият яратиб беринг. Бундан фақат ютасиз.

Биласизми, ҳозир Рустамни мактабда ўқитган ўқитувчилари ўзларини жаҳон чемпиони деб ҳис қилишмоқда. Бундай қувонч, шундай хуррамлик барча-барча муаллимларимизға насиб этсин!

Хусан НИШОНОВ
суҳбатлашди.

Хукуматимиз томонидан ижодкор, фидойи ўқитувчиларимиз, уларнинг ша- рафли меҳнатларида давлат нуқтаи на- заридан катта эътибор қаратилаётган- лиги барчага маълум. Чунки муаллим давлат олдидаги бурчини юксак ан- лаган, ёшларга ғамхўр, меҳрибон, бош- қаларга ёрдам кўлини чўзишга доимо тайёр турадиган кишидир.

Ўқитувчининг ўз бурчига содиқлиги жамиятга, Ватанга, меҳнатга, ўқувчилар- га, оилага, фарзандларига бўлган инсо- ний муносабатларида билинади. Ўз бур- чига содиқликни инсоний фазилат си- фатида мужассамлаштирган меҳридарё устозлардан бири Каттақўрғон тумани- даги 5-умумий ўрта таълим мактабнинг олий тоифали математика фани ўқитувчиси Бурхон Раззоқовдир.

Бурхонни ҳаёт ёшлигиданок аччиқ қисматлар билан «сыйлади». Гўдак икки ёшга етмасданок 1953 йил январидан отасидан, март ойида эса, волидаси- дан ажралди. Ота-она меҳрига тўйма- ган Бурхон яққа ёлғиз бувисининг шам- чирогига айланди. Атрофдаги болалар ота-онаси ҳақида ғурурланиб гапирган- да, у елкасини қисиб Иқбол момо бағ- рига ёпишарди. Оқшомлари бувиси- нинг «хўрозқанд» тайёрлашини томо- ша қилиб беозоргина ухлаб қоларди.

Кечаси билан тайёрланган хўрозқанд бу оиланинг асосий даромад манбаи эди. Ҳаёт Бурхонни эрта улғайтирди. Тенгқурлари ҳали мактабга бормаган бўлса-да, у «хўрозча» сотиб чақаларни ҳисоблашни ўрганди. Неварасининг ин- софли, диёнати бола бўлиб ўсаётган- нидан кампир ниҳоятда хурсанд эди. Мактабга бориш фурсати етганда ота- сидан қолган солиқчилар папкасини бўйнига осиб, қалам ва дафтарларини сумкага солиб борганини у ҳамон ши- рин хотиралар билан эслайди.

Ёш Бурхоннинг бўйи жуда паст бўлганлиги учун биринчи ўқитувчиси Марям Убайдуллаева жуда меҳрибон- лик билан унинг бошини силаб пешо- насидан ўпиб, биринчи партага ўтқа- зади. Синфдош дўстларининг кийини- ши билан Бурхоннинг кийинишидаги фарқни сездирмасликка ҳаракат қилган ўқитувчи гўёки, дунёдаги энг олийжа- ноб инсон эди. Балки Бурхондаги ўқитувчиликка бўлган ҳавас шунда уй- гонган бўлса, ажаб эмас. Бўлғуси ўқитувчининг зеҳни ўткир, ҳисобга чақ- қон бўлганлиги учун ҳам, синфдошлар орасида ажралиб турарди.

— Биринчи синфни аъло баҳолар би- лан тамомлаганимиз, - деб эслайди Бурхон, — ўқитувчимиз менга Пушкин- нинг «Поп ва унинг хизматкори Балда» китобини совға қилди. Бу мукофот мени

янада яхши ўқишга, дўстларим ораси- да ҳар соҳада ибратли бўлишимга туртки бўлди.

Севимли даргоҳи — мактаб билан хайрлашиш онлари яқинлашган сари битирувчининг юрагига ғулғула туша бошлади. Чунки мактабдошлари тур- ли олий ўқув юртлирининг номларини тилга олиб, ўқишга киражақларини ва ўзлари танлаган мутахассисликларнинг яхши томонларини фахрланиб айтиб юрган бир пайтда Бурхоннинг мияси икки хил фикр билан банд эди.

Биринчиси, қандолатчилик ҳунарини пухта эгаллаб, оила тебратиш, уйли-жой- ли бўлиш бўлса, иккинчиси олий ўқув юртига кириб, ўзи севган касб эгаси — ёшларга математикадан сабоқ берувчи моҳир ўқитувчи бўлиш эди.

Бир куни ана шундай ўйлар билан хо- муш бўлиб юрган неварасини кўрган Иқбол момо ёнига чақириб гап сўради:

БИЗНИНГ БУРХОН МУАЛЛИМ

— Хўш, болажоним, ўқишинг ҳам ту- гаяпти, энди нима қилмоқчисан?

— Билмадим. Ўқишга кирмоқчи эдим, бу ерда сиз...

Бувиси неварасининг фикрини ан- глади.

— Сизнинг аҳволингиз нима бўлади, демокчимисан? Мени ўйлама, ўзимни эплаймак, сенинг йўл пулларингни ҳам бериб тураман.

Қалбидаги фикрларини тушунган сирдошини кучоқлаб бағрига босди. Кўзларидан севинч ёшлари оқди. Кела- жаги учун йўл очилди.

1968 йилнинг августда барча фан- лардан аъло баҳога имтиҳон топширган Бурхон Самарқанд давлат университе- тининг математика факультети талаба- си бўлди.

Аъло ўқиши, меҳнатсеварлиги, одоби билан факультетда танилиб, бувисининг ҳафтада азиз меҳмонига айланиб, йил- ларни қувончу-ташвишлар билан ўтқа- заётганда бошига яна қайғу соя солди. 3-курсни битириш арафасида суянган

тоғи, меҳрибон кишиси, бувижонидан ҳам айрилиб қолди.

— Ёзги таътил қандай ўтганини бил- майман, - деб хотирлайди Бурхон. — Нима қилсам экан, ўқишни ташласам- ми? Ёки сиртқиға айлантирсамми?

Ушбу саволларга жавоб топиш очиги, роса оғир кечди. Уйлай-уйлай бир қарор- га келди. Ўқишни кечки бўлимга ўтқа- зиб, кундузи ўқитувчилик қилди, ишдан сўнг ўқиди. Изланишлари, кунни-кунга, тунни-тунга боғлаб қилинган меҳнат са- мара берди. Ўқишни муваффақиятли та- момлаб, қизил диплом билан жонажон кишлоғига олий маълумотли матема- тика фани ўқитувчиси бўлиб қайтди.

Тумандаги 21-мактабга йўлланма ол- ган ёш мутахассисга мактаб раҳбария-

тартибда шугулланди. Ўзи ижод қилган кўрғазма қуроллари билан ўқувчилар- нинг фикрлаш қобилиятини ривожлан- тиришга интилди. Жуда кўплаб шогирд- лари вилоят, ҳатто республика олимпи- адаларида муносиб ўринларни олиб қайтди.

Мана, 20 йилдирки, мактабда мате- матика метод бирлашмасини усталик билан бошқариб келмоқда. Ўқитувчилар- нинг ўз билимларини мустақил оши- ришлари, вақтида малакадан ўтиб ту- ришлари, фан янгиликларини амалиёт- га жорий этишда метод бирлашма раҳ- бари сифатида хизмати катта.

Бугунги кунда тумандаги деярли барча мактабларда математика илми- ни эгаллаб, устози билан ёнма-ён иш- лаётган ўқитувчилар Бурхон Раззоқов- ни эъзозлаб, устозимиз, дея улуг'лай- дилар.

Мактабнинг математика, геометрия, ЭҲМ фанлари хоналари кўп дарсларда қўлланиладиган кўрғазмалар билан ўқувчиларга завқ бағишлайдиган қилиб жиҳозланган. Бурхон муаллим моҳир, изланувчан, ижодкор, ташкилотчи ўқитувчи, етук услубчи бўлиш билан бирга, тадбиркор оила бошлиғи, меҳри- бон отадир. Уларнинг 3 нафар ўғил ва 1 нафар қизлари, шириндан-шакар наби- ралари домланинг фаҳри.

Ўқитувчининг халқ таълими соҳаси- даги хизматлари туман, вилоят ва рес- публика халқ таълими бошқарув идо- раларининг «Фахрий ёрликлари», қим- матбаҳо совғалари билан тақдирланган.

Келажагимиз эгалари бўлган ёшлар- га кўз нури, қалб қури, бутун билим ва маҳоратини бахшида этаётган зиёли Бурхон Раззоқовни фан докторлари, фан номзодлари, туман ва вилоят раҳ- барлари, туманимиздаги жуда кўп ўқитувчилар «Бизнинг Бурхон муаллим» деб эъзозлайдилар.

Элнинг, шогирдларининг эъзозига мушарраф бўлишдек катта бахт оддий ўқитувчи учун улкан мукофотдир. Бун- дай юксак эътирофга тинмай изланган, чидам билан фидокорона меҳнат қилган, бутун меҳрини ёшларга бахшида эта олган, элга меҳри билан яшаган фи- дойиларгина эриша оладилар.

Бизнинг «Бурхон муаллим» ана шун- дай эъзозу эътирофга, хурмату таҳсин- га лойиқ оддий муаллимдир.

Нурилла НАРЗУЛЛАЕВ,
Каттақўрғон туманидаги 5-умумий
ўрта таълим мактаб
кимё фани ўқитувчиси

«ЎҚИТУВЧИ, ЎҚУВЧИ, КЕЛАЖАК»

(«Ma'rifat», 2004 йил 21 апрель)

— Шарқ халқларида қадим-қадимдан устоз шаъни, номи, обрўси юқори бўлиб, улар доимо ардоқланиб келин- ган. Ҳазрати Мир Алишер Навоийдек буюк зот нафақат устоз, балки унинг набираси хурмати учун ҳам отдан туш- ган эканлар. Бу ҳақиқатми ёки афсонами, билмадим-у, ҳар қолда унда жон бор. Қадимда ота-оналар фарзандларини етаклаб келиб, «Эти сизники, суяги бизники», — дея муал- лимга топширишлари-

жамоатчи ўқитувчи бола қал- бини англамаганлиги туфайли нозик-ниҳол қалбида ўчмас жароҳат қолдирган. Муаллиф ёзганидек, «илк баҳорда қуёш- га интилган майсани туёқлар бешафқат босиб, эзиб ўтгани каби» кўнглини янчиб кетган. Эндиликда эса уни ўқувчининг кийимига қараб баҳо беради- ган ўқитувчилар мингтадан битга бўлса ҳам йўқмикин, де- ган изтироб қийнайди.

Аслида, бу изтироб биз

кетяпсан, кўпроқ тайёрлан», «Кўрик-танловда ижодий иш- лар муҳим» каби таъкидлар- ни ўқувчилар кам эшитишяп- ти?

Чунки мактабгина эмас, жуда кўп жойларда, мана шу кайфият, ташқи ялтироқли- лikka эътибор йўқ эмас. Айни шу ҳолат мактабга кўчяпти. Лекин нима бўлганда ҳам, қимматбаҳо кийимига қараб баҳо бериш ўқитувчилар ора-

сида бўлмас- лиги шарт. Мурғак қалб- лар ўксимасли- ги, ўқувчилар журъатсиз бўлиб қолмаслиги учун ўқитувчилар масъул эканликларини унут- масликларини, мақолани ўқиб хулоса чиқариб олишларини жуда-жуда истардим.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Юнусобод туманидаги
274-мактаб муаллимаси

МАКТАБ — ЎҚУВ ДАРГОҲИ

— Хурматли Муҳтарама Улугова! Ёзганларингизни ўқия- ману худди шу ҳолат менда юз бергандек қаттиқ таъсирланиб кўзларимга ёш келди. Нафақат сиз ёзган ўша, 40 йил илгари инсонларнинг кийинишига қараб муомала қилишган, ҳаттоки, ҳозирги кунларда ҳам одамларнинг либосига қараб баҳолов- чилар топилади.

Мактаб масаласига келсак, эскирмаган бўлса ҳам янги пар- да олиш, ярқираб турса ҳам синф хонасини ремонт қилиш, сир- ли пақир, совун, порошок олиш ёки тадбирларга пишириқ олиб бориш одат ту-

сига кириб бўлди, шекилли. Албатта, сиз ёз- гиздек, ҳамманинг шароити бирдек эмас. Аммо фарзанди синфдошларининг олдида изза бўлмаслиги керак, бу ҳолатни тушун- ган ота-она бўлса, боласининг истакларини баҳо келтиради. Айримлар эса аксинча. На- тижанда болалар ўртоқларининг олдида изза бўлгандан кўра, дарсга келмасликни одат қиладилар.

Ўзлари пул топмоқчи бўлиб, ҳар хил йўлга кириб кетишлари, айримлари, ҳаттоки, жиноят содир этишлари мумкин. Мактаб формаси кўпчилик мактабларда йўқолиб бораёпти. Ўқувчилар нимани хоҳласа, шуни кийиб бораёпти. Натижада ўзларидан кўра соддароқ кийинган синфдошларини ҳам писанд қилмай қўймоқдалар. Яна шунақаси ҳам бўладики, айрим ўқитувчилар ўқувчиларнинг кийинишларига, ота-онасининг амалига қараб муомала қилишади. Истардимки, ҳамма мактабларда бир хил мактаб формаси жорий қилинса, ортиқча йиға-ийғиларга чек қўйилса, болалар фақат ўқиш ҳақида ўйласалар...

Раъно ЮСУПОВА,
Жиззах шаҳридаги
29-меҳрибонлик уйи директори

УСТОЗ НОМИГА ДОҒ ТУШМАСИН

да ҳам устозга бўлган ишонч ва хурмат ётади.

Минг афсуски, кейинги вақтларда айрим ўқитувчилар ҳақида салбий фикрларнинг эшитиб қоляпмиз. Очиги, Муҳтарама Улугованинг «Ўқитувчи, ўқувчи, келажақ» номли мақоласини ўқиб анча ўйлаб қолдим. Муаллиф ҳақ. У аччиқ ҳақиқатни бўямай, рўйи-рост ёзган. Қарангки, 40 йиллик воқеани у унутолмаган

— ўқитувчиларга тегиш- ли бўлмоғи керак. Чунки ҳозир ҳам шундай устозлар, афсуски, топилади. Кўпинча эшитиб қоламиз, «Олимпиада- га келяпсан, чиройли кийинчи бор», «Кўрик-танловда ташқи қиёфанг ҳам гўзал бўлиши роль ўйнайди», «Яқинда голиб бўлганинг учун сени тақдир- лаш маросимига олиб бораман, яхши кийимларингни тайёрлаб қўй». Бу гапларни эшитиб ҳай- ратланасиз, нега «Олимпиадага

Aks sado

ТАЪЛИМ ҲАМ ТАРБИЯ — ТАРБИЯ ҲАМ ТАЪЛИМ

Жаҳон илм-фани асослари, башариёт эришган тафаккур ютуқларини ўзлаштириш миллий-маънавий ахлоқий тарбия негизда олиб борилсагина кутилган самарани бериши мумкин. Шу боис ҳозирги кунда ёш авлод тарбияси ҳақида гап борганда, биз қадимги анъаналаримиз, тарбия усулларидан фойдаланиш зарурлигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Айниқса, олий ўқув юрларида таълим ва тарбияни бирга қўшиб олиб бориш зарурлигини таъкидламоқчиман. Чунки, баъзан талабаларга илм-фан асосларини ўргатамиз, илм ҳўққиларини эгаллашни талаб қиламиз-у аммо уларнинг ахлоқий камолотига эътибор бермаймиз. Ҳолбуки, ақлий етуклик, илмий салоҳият ахлоқий фазилатлар билан қўшилсагина инсон камолотга эришади. Умуман, комил инсон деганда, кенг билимли, ақли-заковати етук, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ибрат бўладиган, фуқаролик жамиятида яшаш талаблари, озодлик, мустақилликнинг моҳиятини чуқур англаб, бу улўф қадриятларни ҳимоя қила оладиган одамни тушунамиз. Бошқача айтганда, комил инсон тушунчаси бугун олдимизда турган улкан вазифалар — эркин фуқаролик жамиятини қуриш, «Озод ва обод Ватан, фаровон ҳаёт барпо этиш» (И.А.Каримов) йўлида фидойи фарзанд бўлиб хизмат қилиш тушунчалари билан боғланиб кетади. Биз энди алоҳида-алоҳида етук шахсларнигина эмас (уларнинг бўлгани яхши албатта), балки комил инсонлар авлодини тарбиялаб етиштиришимиз лозим.

Шунда Абу Наср Форобий ҳазратлари айтганидай, фозил, баркамол шахслар жамиятини барпо этган бўламиз. Ана шуларни назарда тутиб, И.А.Каримов «Туркистон» газетаси муҳбири билан қилган суҳбатида бундай деган эди: «Энди олдимизда ниҳоятда муҳим, келажакимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-хуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир».

Бундай одамларни биз ёшлиқдан тарбиялаб, шакллантириб боришимиз, болаларимизни ўз ҳақ-хуқуқи учун курашадиган, амалиётчиликни, ҳаёт долғаларини, мураккабликларини рўйи рост англаб, уни енга оладиган даядил, иродали қилиб тарбиялашимиз лозим. Ҳақ-хуқуқи учун курашиш деганда, жанжаллашиш, беҳаё тўполончилар эмас, балки ҳаёт ҳақиқатларини тўғри қабул қилиб, қийинчиликларни ақлу идрок билан енгиб ўтадиган, ўз ўрнини муносиб эгаллайдиган киши тушунилади, албатта.

Мана шу ўринда Шарқ донишмандларининг ахлоқий ўғит-насихатлари бизга қўл келади. Сирасини айтганда, бизда инсон тарбиясига оид катта тажриба ва адабий-фалсафий мерос мавжуд. Бу улкан ҳикматлар ҳазинасидан ҳали етарлича фойдаланаётганимиз йўқ. Бизда қадимдан тарбияга жуда катта эътибор берилган. Имон-эътиқодли, ҳикмати баланд, саҳий, мурувватли одамлар намуна қилиб кўрсатилган. Халққа беминнат хизмат қилиш, эл орасида эзгулик ғояларини ёйиш улўф сўфий шайхларимизнинг одати айланган эди. Нажмиддин Кубро, Сайфиддин Бохарзий, Баҳоруддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Вали ана шундай зотлар эди. Уларни биз чин маънода комил инсонлар деймиз. «Мен бу мартабага сўфийларнинг китобларини ўқиб эмас, балки одамларга ҳиммат қилиб эришганман», деган экан Хожа Аҳрор Вали. Бу улўф шайхлар наздида пайғамбарларимизнинг «Одамларнинг энг яхшиси қўлида ва тилидан бировга озор бермайдигани ва ва ўзгаларга наф етказадиганидир» деган

ҳадислари асосий шиор эди. Зотан, пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоху алайҳи вассаллам диннинг ўзини ҳам гўзал ахлоқ деб таърифлаганлар. Ҳадис: Бир пайт пайғамбаримизга олд тарафдан бир одам келди ва «Эй Аллоҳнинг Расули, дин нима?» деб сўради. Расулulloх «Гўзал ахлоқ!» деб жавоб бердилар. Сўнгра ўнг тарафдан ўтиб сўради: «Эй Аллоҳнинг Расули, дин нима?». «Гўзал ахлоқ!» дея жавоб бердилар. У одам пайғамбарнинг сўл тарафига ўтиб яна сўради ва яна шу жавобни эшитди.

Сўфийлар тавозеъ, қаноат, камтаринлик, хуллас яхши хулқу одобда ибрат бўлганлар, шу билан бирга ҳалол, ҳақгўй ҳам эдилар. Улўф ватандошимиз Азизиддин Насафий ўзининг «Ҳақиқатлар қаймоғи» асарида бундай ёзган: «Худони таниб, дийдорига мушарраф бўлган комил инсон учун халққа наф келтиришдан кўра фойдалироқ иш ва яхшироқ тоат йўқдир. Ва унинг учун энг улўф роҳат бирор иш, бирор сўз билан бу дунёда кишиларнинг мушуқлини осон қилиш, оламнинг бало-фитналаридан сақланишга ёрдам бериш, охират эса мағфират топишга кўмаклашидир». Шу боис ҳам мусулмон одам деганда юксак маърифатли, покиза ахлоқи билан ажралиб турадиган одамни тушунганлар. Бундай инсонларнинг тимсоллари Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий асарларида гавдалантирилган. Навоий наздида энг нажиб, намуна бўладиган комил инсон — бу мурувватли, қаноатли инсондир. Бундайларни шоир

«одамийлар одамийси» деб шарафлаган. Навоийнинг мана бу ҳикмати ҳам биз учун шиор бўлса арзийди:

**Футувват борча бермақдур, емак йўқ
Мурувват борча қилмақдур, демак йўқ.**

Яъни, яхшилик қилгину орқасидан миннат қилма.

Бу гапларни қайд этишдан мақсадимиз шуки, биз эзгулик ғояларини ёшлар қалбига жойлашимиз керак. Агар билим, дониш ақл орқали, мия орқали ўзлаштирилса, инсонийлик фазилатлари қалб орқали қабул қилинади. Биз педагоглар шунчаки, ўқитувчи, фан асосларини ўргатувчи кишилар эмасмиз, балки бу билан бирга, мураббийимиз, тарбиячимиз. Бу эса кўп вақтни оладиган, аммо шарафли касбдир, аниқроғи алоҳида қобилият, хислатдир.

Сир эмас, аксар домларимиз маърузалар ўқиш, адабиётлар тавсия этиш ва кейин имтиҳон, синовлар қабул қилиш билан чекланадилар. «Менинг вазифам шу» деб ўйлайдилар. Аммо бу калта ўйлаш деб ҳисоблайман, қолаверса, ўзининг тарбиячилигини унуттиш. Олий мактаб домласи ўзининг илми билан ҳам, ақлий заковати ва юриш-туриши, ахлоқи билан ҳам талабаларга сабоқ бўлиши лозим. Иккинчидан, ўқитувчи ўзини аллақандай расмий шахсдай тутса, талабалар ундан узоқлашадилар. Мураббий ўқитувчи якка ва умумий дарслар, суҳбатларда ҳар бир талаба билан яқиндан танишиб, унинг ҳаёти, қизиқишлари, билим доираси, ўқиган китоблари устида суҳбат курса, ўзаро ишонч, дўстлик пайдо бўлади, устоз-шиогирдлик ришталари боғланади. Натижада талабанинг маънавий олами бойиб, илмга ва ҳаётга муҳаббати ортади. Айрим ўқитувчиларимиз талабалар билан яқинлашиш ўртадаги иззат-хурматга путур еткази, шунинг учун масофа — «дистанция» сақлаш керак, бундан талаба ҳайиқиб, кўпроқ дарс тайёрлайди, деган ҳаёлда юрадилар. Менимча, бу тўғри эмас. Талаба билан чин мураббий, устоз сифатида яқинлашган ўқитувчининг хурмати ортади. Айни вақтда у талабчанликни ҳам қўлдан бермайди.

Шу маънода талабаларнинг турли йиғинларида иштирок этиш, ётоқхоналарига қатнаб туриш, мажлислар, тўғарақларда чиқишлар қилиш, талабаларни баҳс-мунозарарга жалб этишнинг аҳамияти катта.

Муслихиддин МУҲИДДИНОВ,
профессор

Шаҳрисабз шаҳрининг қоқ марказида жойлашган Беруний номидаги болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳи «Ўзгеобурнефтваз қазиб чиқариш» компанияси тасарруфида. Оромгоҳда болаларнинг мириқиб дам олишлари ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Ям-яшил ўрмонча кучоғида жойлашган бу оромгоҳга қадам қўйган одам ўзини беихтиёр гуллар водийсига тушиб қолгандек ҳис қилиши тайин.

— Бобомиз Амир Темур гулларни севган. У киши қурдирган ҳар бир обидаси атрофини гулзорга айлантирган, — дейди оромгоҳ директори Лутфилло Каримов. — Гулчилик оромгоҳимизда ҳам асосий тўғарақлардан

Yozgi ta'til

«Юмшоқ ўйинчоқлар яшаш», «Би-чиш-тикиш», «Пазандачилик», «Ўлкашунослик», «Техник ижодкорлик», «Ёш адабиётчи», «Мусаввир», «Кушлар» тўғарақларининг ишларини эса алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. «Ёш радио муҳбирлар» тўғарағи эса ҳаммадан ҳам ибратли ишларни амалга оширапти. Улар оромгоҳ ҳаётига доир бир-бирдан мазмунли эшиттиришлар тайёрлаб, оромгоҳ радиостанцияси орқали эфирга чиқиб турибдилар.

— Оромгоҳимиз ўзига хос тадбиркорлик билан ҳам шуғулланади, — дейди оромгоҳ директори. — 2003 йилда 5 миллион сўмдан ошмиқроқ маблағ ишлаб



бири ҳисобланади. Айни кунда оромгоҳимизда юз турдан ортиқ гуллар ўстириляпти. Буларнинг барчасини ўзимизда етиштирамиз, сотамиз ҳам. Ўтган 2003 йилда 180 минг сўмга гул кўчатларини, гул уруғларини сотдик. Жорий йил якунига қадар бу маблағни 200 минг сўмга етказишни режалаштирганмиз...

Хоналарда ҳам гул, заллару ошхоналарда ҳам гул. Гир атроф анвоий гуллар билан безалган. Эшитганим бор. Касблар орасида энг нозиги гулчилик касби бўлармиш. Гуллар ўзларидек нозик ва пок қалб соҳибларини ёқтирармиш.

Оромгоҳда фаолият кўрсатаётган «Гулчилик» тўғарагининг ишларини сўраб-суриштирдик.

— Айни кунда оромгоҳимизда 390 нафар бола дам оляпти. Қолган босқичларда ҳам худди шунчадан бола дам олади, — дейди оромгоҳнинг «Гулчилик» тўғарағи раҳбари Вера Хуррамова. — Ҳар босқичда 60 нафарга яқин болани «Гулчилик» тўғарағига жалб қиламиз. Уларга гулчилик сир-асрорларини ўргатамиз. Тўғарақ аъзоларимизнинг деярли барчаси оромгоҳда ўсаётган антиқа гулларнинг уруғларидан, новда ва шохчаларидан ўстириб, кўпайтириш учун уйларига, мактабларига олиб кетишади.

Бу масканда болалар рақс санъатини ҳам ўрганадилар. Ўз касбининг моҳир устаси Замирахон Киниева рақс тўғарағи аъзоларига нафақат ўзбек халқ рақсларини, балки бошқа халқлар рақсларини ҳам ўргатаётир.

Оромгоҳда спорт тўғарақлари,

топдик. 2004 йилда бу маблағни салкам 7 миллион сўмга етказишни режалаштирганмиз.

Мана оромгоҳнинг жорий 2004 йилдаги тадбиркорлик иш режаси. Унда кўрсатилишича, жорий йилда ушбу оромгоҳ гулчиликдан 200 минг сўм, корхона ва ташкилотларга, аҳолига спорт ва соғломлаштириш, тўй ва анъаналарни ўтказиб бериш хизматларини кўрсатишдан 1,5 миллион сўм, Шаҳрисабз шаҳрига келиб-кетувчи меҳмонларга ва сайёҳларга меҳмонхона хизматини кўрсатишдан 5,1 миллион сўм маблағ топиш режалаштирилган.

Мана сизга биргина ёзги оромгоҳ олиб бораётган тадбиркорлик. Оромгоҳ жамоаси югуриш-аяпти, изланиш-аяпти, меҳнат қилиш-аяпти. Келинг, ишлаб топилаятган маблағларни бир ўрганиб кўрайлик. «Гулчилик» ҳамма учун тушунарли бўлса керак. Гул ниҳоллари ўстирилади, сотилади.

Дам олиш мавсуми тугаши билан оромгоҳ бўш қолади. Бирок, ҳамма жиҳоз, асбоб-ускуна жой-жойида-ку. Оромгоҳ раҳбарияти Шаҳрисабз шаҳри, Шаҳрисабз тумани микёсида ёхуд вилоят, республика микёсида шаҳарда ўтказилиши керак бўлган спорт тадбирларини ўрганиб чиқиб, тадбир ташкилотчилари билан ўзаро шартномалар тузади. Ўйингоҳни фойдаланишга беради, иштирокчиларни ётоқ-жой билан таъминлайди, овқатларини тайёрлаб беради. Аҳолининг тўй ва анъаналарини ўтказиши ҳам сускин. Умумий мезбонлик вазифасини ўз зиммасига олади. Фақат шартномадаги маблағ оромгоҳ ҳисоб рақамига келиб тушса бўлгани.

Бу маблағлар эса болаларнинг кўнгилли дам олиши учун керак бўладиган барча-барча яхши нарсаларга сарфланади.

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг
маҳсус муҳбири

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунушидан қатъий назар барча турдаги oliy таълим муассасаларининг аттестацияси "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 мартдаги "Давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида"ги 109-сонли, 2001 йил 16 августдаги "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 343-сонли, 2004 йил 24 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 293-сонли, 2004 йил 1 мартдаги "Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 100-сонли қарорлари, "Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими муассасаларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тўғрисидаги НИЗОМ" ҳамда мазкур Тартиб асосида амалга оширилади.

2. Олий таълим муассасаларининг аттестацияси давлат аккредитациясидан олдин ўтувчи жараён бўлиб, у ташқи назоратнинг асосий тури ҳисобланади.

3. Олий таълим муассасаларини аттестация қилишдан асосий мақсад — уларда кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг oliy таълимнинг давлат таълим стандартлари мувофиқлигини аниқлашдан иборатдир.

4. Ҳукумат қарори билан ташкил қилинган oliy таълим муассасалари ўрнатилган тартибда аттестациядан ўтгунча аккредитацияланган деб ҳисобланади.

5. Мазкур Тартибга ўзгартириш ва қўшимчалар Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси (кейинги ўринларда — бошқарма) томонидан Давлат тест маркази директори билан келишилган ҳолда киритилиши мумкин.

II. Аттестацияни ўтказиш тартиби

6. Аттестация ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибидаги Бошқарма томонидан ўтказилади.

7. Аттестация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган жадвал асосида ёки oliy таълим муассасасининг ташаббусига мувофиқ 5 йилда камида бир марта ўтказилади.

Тасдиқланган жадвалга қўшимча ва ўзгартиришлар Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий мажмуаси билан келишган ҳолда Давлат тест маркази директори томонидан киритилиши мумкин.

8. Янгидан ташкил этилган oliy таълим муассасаларининг аттестацияси биринчи битирув якунларига кўра, яъни таълим олувчиларни тайёрлаш даври тўлиқ тугаганидан сўнг ўтказилади.

9. Давлат аттестацияси ўтказилишидан бир ой олдин oliy таълим муассасаси Бошқармага дастлабки экспертизадан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

— oliy таълим муассасасининг тасдиқланган паспорти;

— oliy таълим муассасаси Уставининг нусхаси;

— oliy таълим муассасасида мавжуд бўлган таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари;

— намунавий ва ишчи ўқув режалар; — охириги уч йилда oliy таълим муассасаси битирувчиларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари қайдномаларидан кўчирма;

— охириги уч йилда битирувчилар томонидан тайёрланган ва ҳимоя қилинган битирув-малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертациялари мавзулари; — oliy таълим муассасасида сўнгги уч йилда амалга оширилган эътиборга молик ишлар бўйича маълумотнома (агар бўлса);

— "Ички назорат ва мониторинг бўлими"нинг oliy таълим муассасасида ўз ўзини аттестация қилиш бўйича хулосалари.

Бу материаллар аттестация жараёни

бошлангунча Бошқарманинг "Олий таълим ҳамда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш" бўлимида дастлабки экспертизадан ўтказилади.

10. Олий таълим муассасаси тақдим этган аттестация материаллари сифатсиз тайёрланган ҳолларда улар қайта ишлаш учун таълим муассасасига қайтарилди.

11. Олий таълим муассасаси аттестациясида Бошқарманинг "Узлуксиз таълим тизимида кадрлар тайёрлаш мониторингини олиб бориш ва сифатини назорат қилиш" бўлими ўтказган мониторинг натижаларидан фойдаланилади.

12. Аттестация жараёнида oliy таълим муассасаси, ундаги йўналиш ва мутахассисликларнинг охириги уч йиллик фаолияти натижалари Бошқарма томонидан ишлаб чиқилган йўриқнома асосида комплекс таҳлил қилинади. Унда:

— Бошқарма экспертлари томонидан тест синовлари асосида талабаларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражаси аниқланади. Бунда 2-босқич талабаларининг камида 50, 3-босқич талабаларининг камида 75 фоизи тест синовларига жалб этилади. Олий таълим муассасасининг 1-босқич талабалари назорат синовларига жалб этилмайди. Тест синовлари кўринишидаги назорат ишлари мутахассислик фанларининг камида 50, бошқа фанлардан эса камида 25 фоиздан ўтказилади;

— битирувчиларга қўйиладиган малака талабларидан келиб чиқиб, уларнинг назарий билими, амалий кўникма ва малакалари Бошқарма экспертлари томонидан тест синовлари асосида аниқланади. Бунда битирувчиларнинг барчасидан камида 50 фоиз мутахассислик фанлари бўйича назорат ишлари ўтказилади;

— битирув-малакавий ишлари (танланма асосида 10 фоизгача) ва магистрлик диссертациялари (танланма асосида 50 фоизгача) мавзуларининг долзарблиги, уларнинг ишлаб чиқариш амалиётига жорий этилиши ва бажарилиш сифати эксперт хулосалари асосида баҳоланади;

— давлат таълим стандартларининг ўқув жараёнига жорий этилиши ва уларда белгиланган талабаларнинг бажарилиш ҳолати ўрганилади;

— ўқув режалар ва фан дастурлари асосида ишчи ўқув режалар ва ишчи фан дастурларининг ишланганлиги ҳамда уларнинг ўқув жараёнига жорий этилганлиги ўрганилади;

— ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этилиши ва самарадорлиги баҳоланади; — мутахассислик кафедралари профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти аниқланади;

— профессор-ўқитувчиларнинг дарслик, ўқув қўлланмалар, монография ва ОАК талабларига жавоб берадиган журналларда илмий мақолалар чоп этиш фаолияти баҳоланади. Бу фаолият самарадорлиги сўнгги 3 йилда профессор-ўқитувчилар томонидан қилинган кашфиётлар сонини 50 га, чоп этилган дарсликлар ва монографиялар сонини 20 га, ўқув қўлланмалар, ихтиролар сонини 10 га, мақолалар сонини 1 га кўпайтириб қўйиш ҳамда чиққан натижани умумий профессор-ўқитувчилар сонини 3 га кўпайтирилганига бўлиш ва 100 га кўпайтириш орқали аниқланади. Сўнгги 3 йилда илмий ёки ўқув-методик фаолият билан шуғулланмаган ҳар бир профессор-ўқитувчига «3» жарима бали белгиланади;

— профессор-ўқитувчиларнинг давлат бюджети ҳисобидан ва бюджетдан ташқари тушумлар асосида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг долзарблиги ҳамда самарадорлиги баҳоланади. Бу фаолият самарадорлиги пул маблағлари билан таъминланган илмий-тадқиқот ишлари (давлат бюджети ҳисобидан, Фан ва технологиялар маркази ҳамда чет эл жамғармалари грантлари, хўжалик шартномалари тушумлари, сўмда) нинг ҳар бир профессор-ўқитувчига тўғри келадиган сўмдаги йиллик ўртача миқдори (охириги 3 йил тушумлари асосида) аниқланади ҳамда у Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бўйи-

ча шундай кўрсаткичга бўлиниб, 100 га кўпайтириш орқали аниқланади;

— oliy малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш (аспирантура ва докторантура орқали) самарадорлиги баҳоланади. Бу фаолият самарадорлиги муддатида ҳимоя қилган аспирант ва докторантлар ва докторантлар сонига бўлинади ҳамда 100 га кўпайтириш орқали аниқланади. Олий аттестация комиссияси тасдиқламаган ҳар бир диссертация иши учун «5» жарима бали белгиланади. Охириги 3 йилда илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда иштирок этмаган ҳар бир фан доктори — профессорга «5» жарима бали белгиланади;

— талабаларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари, жумладан электрон дарсликлар билан таъминланганлик даражаси аниқланади (фан дастурларида кўрсатилган асосий адабиётларнинг ҳар бир туридан кундузги бўлимда 5 талабага битта, сиртки бўлимда 1 талабага биттадан бўлиши керак);

— иқтидорли талабалар билан ишлаш ва улар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлиги баҳоланади;

— моддий-техник базаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан тўлдирилиши ва алмаштирилиши ҳолати ўрганилади;

— фан дастурларида белгиланган лаборатория машғулотларини бажариш учун тайёрланган услубий материаллар, лаборатория ишларининг бажарилиш даражаси ва сифати аниқланади (фан дастурларида кўрсатилган лаборатория ишлари ўқув-лаборатория шароитида ёки виртуал-электрон шаклда камида 90 фоизга бажарилиши зарур);

— малака амалиётларининг ўтказилиш даражаси аниқланади;

— таълим муассасасининг ишлаб чиқариш қорхоналари билан интеграцияси ўрганилади;

— замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг жорий этилиши ва самарадорлиги баҳоланади;

— маънавий-маърифий фаолият ўрганилади;

— битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга кирганлари ва ишга жойлашганлари салмоғи аниқланади;

— халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ўрганилади.

13. Олий таълим муассасаси аттестацияси жараёнида қуйидагилар аниқланади:

— таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартларининг жорий қилиниши (эксперт хулосалари асосида);

— талабалар билим даражаси (Бошқарма экспертлари томонидан тест синовлари, ёзма ишлар ва бошқа турдаги назорат ишлари асосида);

— битирувчилар билим даражаси (Бошқарма экспертлари томонидан тест синовлари, ёзма ишлар ва бошқа турдаги назорат ишлари асосида);

— битирувчилар тайёрлаган битирув-малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларининг мазмуни, сифати ҳамда ишлаб чиқариш учун зарурлик даражаси баҳоланади (эксперт хулосалари асосида);

— ўқув жараёнининг ташкил этилиши ва унинг самарадорлиги (эксперт хулосалари асосида);

— ўқув жараёнининг янги лаборатория асбоб-ускуналари ва илгор технологиялар билан таъминланиш ҳамда тўлдирилиши (сўнгги 3 йилда харид қилинганлари ўрганилади) (эксперт хулосалари асосида);

— ўқув жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларининг жорий этилиши (эксперт хулосалари асосида);

— ўқув жараёнининг дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлиги (эксперт хулосалари асосида);

— маънавий-маърифат ишларининг самарадорлиги (эксперт хулосалари асосида);

— профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти ва улар фаолиятининг самарадорлиги (эксперт хулосалари асосида);

— oliy таълим муассасасининг халқаро ҳамкорлик соҳасидаги фаолияти ва унинг самарадорлиги (эксперт хулосалари асосида).

14. Олий таълим муассасалари аттестацияси холислик, ошқоралик ва педагогик этика меъёрларига амал қилинган ҳолда ўтказилади.

15. Бошқарма oliy таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологияларини ишлаб чиқарилади.

16. Тасарруфида oliy таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар бошқармадан аттестация жадвали ҳамда аттестация текширувига оид ҳужжатларни (йўриқнома, мезон ва б.) ўқув йилининг бошида оладилар.

17. Нодавлат таълим муассасалари аттестацияси билан боғлиқ бўлган харажатлар миқдорини Давлат тест маркази Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгилайди ҳамда харажатлар нодавлат таълим муассасалари ёки уларнинг таъсисчилари томонидан қопланади.

18. Аттестация қилинувчи ҳар бир таълим муассасаси учун Бошқармада аттестация билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар йўзма жилди расмийлаштирилади. Унда:

— Давлат тест маркази директорининг комиссия тузиш ҳақидаги буйруғи;

— таълим муассасасининг комиссияга тақдим этган ҳужжатлари;

— аттестация натижалари бўйича комиссия хулосаси;

— аттестация натижалари бўйича Давлат тест маркази илмий-методик кенгаши мажлисининг баённомаси;

— аттестация натижалари бўйича Давлат тест маркази директорининг буйруғи.

Ушбу ҳужжатлар йўзма жилди Бошқармада навбатдаги аттестация ўтказилгунга қадар сақланади.

III. Аттестация комиссияларини тузиш ва уларнинг таркиби

19. Олий таълим муассасалари учун аттестация комиссияси(кейинги ўринларда — Комиссия)лари таркибига таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари, таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари масъул ходимлари ва тегишли ишлаб чиқариш қорхоналарининг юқори малакали мутахассислари жалб этилади. Комиссия Давлат тест маркази томонидан тузилиб, унга Бошқарма ходими раҳбарлик қилади.

20. Комиссиялар Давлат тест маркази томонидан ишлаб чиқилган талабаларга жавоб берадиган экспертлардан тузилади.

21. Комиссия ўз фаолиятида холисонлик ва ошқораликни таъминлаши ҳамда унинг аъзолари одоб маданиятини сақлаши зарур.

22. Комиссия аъзоларининг хизмат сафарлари билан боғлиқ бўлган харажатлар уларнинг асосий иш жойлари ҳисобидан қопланади.

23. Комиссия таркиби ва фаолият кўрсатиш муддати oliy таълим муассасасида мавжуд бўлган йўналиш ва мутахассисликлар сонига қараб белгиланади.

24. Комиссиянинг oliy таълим муассасасидаги фаолияти 15 кундан ошмаслиги зарур.

IV. Аттестация якунлари

25. Комиссия аттестация жараёни тугаганидан сўнг икки ҳафта мобайнида oliy таълим муассасасида йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги ҳақида хулоса тайёрлайди.

26. Комиссия Давлат тест маркази томонидан ишлаб чиқилган мезонларга мувофиқ oliy таълим муассасасида мавжуд йўналишлар ва мутахассисликлар "Аттестациядан ўтди" ёки "Аттестациядан ўтмади" деган хулосалардан бири-ни чиқаради.

27. Олий таълим муассасасидаги муайян йўналиш ва мутахассисликларнинг аттестациялари натижалари бўйича ху-

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

лоса Давлат тест марказининг Илмий – методик кенгашида муҳокама қилинади. Муҳокама қилинган кундан бошлаб икки ҳафта мобайнида аттестация натижалари бўйича Давлат тест марказининг буйруғи чиқарилади ва у таълимни бошқариш бўйича давлат органларига, таълим муассасасига ҳамда унинг таъсисчиларига юборилади.

28. Агар олий таълим муассасасида мавжуд таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг 75 ва ундан кўп фоизи "Аттестациядан ўтди" деб хулоса қилинса, таълим муассасаси "Аттестациядан ўтди", 67 дан 75 фоизгача — "Аттестациядан шартли ўтди", 67 дан кам фоизда эса "Аттестациядан ўтмади" деб эътироф этилади.

29. "Аттестациядан ўтди" деб эътироф этилган олий таълим муассасала-

рининг аттестациядан ўтмаган йўналишлари ва мутахассисликларининг биринчи босқичига келгуси ўқув йилида талабалар қабул қилинмайди ҳамда уларга кўрсатилган камчиликларни тугатиш учун бир йил вақт берилади. Ушбу муддат тугаганидан сўнг уларнинг аттестациядан ўтмаган йўналишлари ва мутахассисликлари қайта аттестациядан ўтказилади ҳамда таълим муассасаси фаолиятида қайд этилган бошқа камчиликларнинг бартараф этилганлиги ўрганилади.

30. Аттестациядан шартли ўтган олий таълим муассасасининг аттестациядан ўтмаган йўналишлари ва мутахассисликларига келгуси ўқув йилида талабалар қабул қилинмайди ҳамда ўқув ишлари бўйича проректор, ушбу йўналишлар ва мутахассисликларга масъул деканлар навбатдан ташқари аттестациядан ўткази-

лади, тегишли мутахассислик кафедра мудирларининг ўз вазифаларини қоникарсиз бажараётганликларини инобатга олиб, олий таълим муассасаси ректорига келгусида улар томонидан кафедранинг бошқармаслик масаласини илмий кенгашга киритиш бўйича тавсия берилади. Аттестациядан ўтмаган йўналишлар ва мутахассисликлар бир йилдан сўнг қайта аттестациядан ўтказилади.

31. Қайта аттестация натижаларига кўра "Аттестациядан ўтмади" деб топилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ёпилади.

32. Олий таълим муассасаларининг аттестациядан ўтмаган йўналиш ва мутахассисликлари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини Давлат тест маркази томонидан тuzилadigan davlat attestatsiya komissiyasi o'tkazadi.

33. "Аттестациядан ўтмади" деб эътироф этилган олий таълим муассасаси тўғрисида қуйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

— таълим муассасасини қайта ташкил этиш;

— таълим муассасасининг мақомини ўзгартириш;

— лицензияни бекор қилиш;

— лицензия муддатини узайтиришга рад жавоби бериш;

— таълим муассасаси фаолиятини тўхтатиш масаласини қўйиш.

34. "Аттестациядан ўтди" деб эътироф этилган олий таълим муассасасини аккредитациялаш учун тегишли ҳужжатлар Давлат тест марказига тақдим этилади.

35. Бошқарма олий таълим муассасаларининг аттестацияси жараёнида аниқланган камчилик ва нуқсонларнинг ўз вақтида бартараф этилишини мунтазам равишда назорат қилади.

36. Олий таълим муассасалари аттестацияси натижалари бўйича эътирозлар белгиланган тартибда қонунчилик доирасида кўриб чиқилади.

Loyiha

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ЁКИ МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИГИНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ МУВАҚҚАТ МЕЗОНИ

№	Фаолият мазмуни	Кўрсаткичлар	Қийматлар	Формулалар	Мезон талаби
1	2	3	4	5	6
1.	Таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислигининг давлат таълим стандарти билан таъминланганлиги				Таъминланган бўлиши шарт
2.	Таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислигининг ишчи ўқув режаси билан таъминланганлиги				Таъминланган бўлиши шарт
3.	Таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислигининг ишчи ўқув дастурлари билан таъминланганлиги	F_1 – ўқув режадаги фанлари сони F_2 – ўқув режадаги ишчи ўқув дастурлари тасдиқланган фанлари сони		$K_3 = (F_2/F_1) \times 100$	100 фоиз бўлиши шарт
4.	Муайян таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислигидаги талабаларнинг назорат ишларида ижобий баҳоланганлари салмоғи (фоизда)	A_1 – муайян йўналиш ёки мутахассисликдаги назорат ишларида жалб этилган талабаларнинг умумий сони A_2 – муайян йўналиш ёки мутахассисликдаги назорат ишларида ижобий баҳоланган талабалар сони A_3 – экспертиза қилинган битирув-малакавий ишлари (магистрлик диссертациялари)нинг ижобий баҳоланганлари сони A_4 – экспертиза қилинган битирув-малакавий ишлари (магистрлик диссертациялари)нинг умумий сони		$K_4^{бак(мар)} = ((A_2 + A_3) / (A_1 + A_4)) \times 100$	Камида 75 фоиз
5.	Мутахассислик кафедра(лари)сидаги илмий даражали ва илмий унвонли профессор-ўқитувчилар салмоғи	P_1 – илмий даражали (унвонли) профессор-ўқитувчилар сони P – профессор-ўқитувчиларнинг умумий сони		$K_5 = (P_1/P) \times 100$	Камида 50 фоиз
6.	Илмий фаолият (мутахассислик кафедраси бўйича аниқланади, охириги 3 йилда)	H_1 – кашфиётлар сони H_2 – нашр этилган монографиялар сони H_3 – ихтиролар сони H_4 – ОАК томонидан эътироф этилган илмий журналларда ва Халқаро ҳамда республика илмий анжуманлари материалларида чоп қилинган мақолалар сони		$K_6 = (P_H/P) \times 100$	Камида 50 фоиз
7.	Ўқув-методик фаолият (мутахассислик кафедраси бўйича аниқланади, охириги 3 йилда)	H_5 – нашр этилган дарсликлар (жумладан, электрон дарсликлар) сони H_6 – ўқув қўлланмалар, виртуал лаборатория ишлари ва стендлар сони $P_{H1} = (20 H_5 + 10 H_6) / 3$		$K_7 = (P_{H1}/P) \times 100$	Камида 50 фоиз
8.	Профессор-ўқитувчиларнинг давлат бюджети ва бюджетдан ташқари тушумлар асосидаги илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги	A_5 – Олий таълим муассасасининг мутахассислик кафедрасида сўнгги 3 йилда ўртача бир нафар профессор-ўқитувчига тўғри келадиган илмий-тадқиқот ишлар ҳажми (сўмда) A_6 – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бўйича сўнгги 3 йилда ўртача бир нафар профессор-ўқитувчига тўғри келадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажми (сўмда)		$K_8 = (A_5/A_6) \times 100$	Камида 50 фоиз
9.	Аспирантура ва докторантура орқали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш самарадорлиги (сўнгги 3 календар йилида)	A_7 – Сўнгги 3 календар йилнинг ҳар бир йилида аспирантура ва докторантурани битказганларнинг умумий сони A_8 – Сўнгги 3 календар йилнинг ҳар бир йилида аспирантура ва докторантурани битказиб, ўз муддатида ҳимоя қилганлар сони		$K_9 = (A_7/A_8) \times 100$	Камида 20 фоиз
10.	Фанларнинг ўқув дастурларида кўрсатилган ўқув адабиётлари билан таъминланганлиги	D – ўқув дастурларида кўрсатилган дарслик ва ўқув қўлланмалар турларининг сони D_1 – тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар турларининг амалда мавжудлари сони		$K_{10} = (D_1/D) \times 100$	Камида 67 фоиз
11.	Ўқув режа (дастурлари)да кўрсатилган лаборатория ишларининг бажарилиши	L – фан дастурларида режалаштирилган лаборатория ишларининг умумий сони L_1 – режалаштирилган лаборатория ишларининг амалда бажарилаётганлари сони		$K_{11} = (L_1/L) \times 100$	Камида 90 фоиз
12.	Ўқув режаларда кўрсатилган амалиётларнинг бажарилиши	A_9 – ўқув режасида кўрсатилган амалиётлар A_{10} – амалиётларнинг амалда бажарилиши		$K_{12} = (A_{10}/A_9) \times 100$	Камида 90 фоиз
13.	Замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг жорий этилиши	Экспертлар томонидан 100 баллик тизимда баҳоланади			Камида 55 фоиз
14.	Олий таълим муассасаси моддий-техника базасининг меъёр талабларига мослиги	M_1 – таълим муассасасида ҳар бир талабага тўғри келадиган ўқув майдони, м ² M_2 – ҳар бир талабага зарур бўлган меъёрий кўрсаткич, м ²		$K_{14} = (M_1/M_2) \times 100$	Камида 90 фоиз
15.	Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги	Экспертлар томонидан 100 баллик тизимда баҳоланади			Камида 55 фоиз
16.	Ички назорат ва мониторинг бўлими фаолиятининг самарадорлиги	Экспертлар томонидан 100 баллик тизимда баҳоланади			Камида 55 фоиз

Аттестация хулосалари

1. 1,2,3,4 ва 11- бандларнинг талаблари бажарилиб, қолган бандларнинг ихтиёрий 7 таси бажарилган ҳолда таълим йўналиши ёки мутахассислик „Аттестациядан ўтди“ деб топилди.

2. Таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислигидаги талабалар ва битирувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштириши 75 фоиздан (4-банд бўйича) кам бўлса ёки 1-, 2-, 3- ва 11- бандлар талаблари бажарилмаса, бу йўналиш ёки мутахассислик „Аттестациядан ўтмади“ деб эътироф этилади.

3. Талабаларнинг муайян йўналиш ва мутахассисликдаги фанлар бўйича ўзлаштириши 75 фоиздан кўп ҳамда 1-,2-,3-,11-бандлар талаблари бажарилган ҳолда қолган кўрсаткичлардан (мезон бандлари бўйича) ихтиёрий тўрттаси минимал даражадан паст бўлса, мазкур таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги „Аттестациядан ўтмади“ деб эътироф этилади.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.)

Анвар Эшон эса овозини баралла кўйиб сўради:

— “Алпомиш” қачон оқланар экан, домла?

Домла очик-ошкор жилмайиб:

— Шолоховнинг таъбири билан айтсам, Яшин акадан сўраш керак, - деди. — Ҳолбуки, ўттинчи йиллардаёқ “Алпомиш” ёзиб олиниб, китоб ҳолида чиққанида, раҳматли Ҳамид Олимжон унга ёзган сўзбошида: “Алпомиш”га муносабат — ўзбек халқининг бору йўқлигига муносабат билан тенгдур”, деган эди.

— Э, ундай бўлса, домла, бизлар ҳам ҳали дostonнинг аҳволида эканмиз-да!

Анвар Эшоннинг бу гапидан кейин зал бирдан жимиб-писиб қолди. Бу жимликда Иброҳим Фафуровнинг анчайин томоқ қириб қўйгани ҳам бемалол эшитилди.

— Ўртоқлар, Анваржон, — деди у вазиблик билан, — сал ўйлаб гапирайлик, а? Домла эркин кўйиб берар эканлар, деб оғзимизга кел-

киб ва кўрқиб қарашлари ҳамда бу йўсиндаги тасаввурларини акс эттирганларки, шу боисдан улар бугунги китобхонга фантазия маҳсули бўлибгина кўринади. Ҳолбуки, ўша пайтларда бу “фантазиялар” одамлар учун реал борлиқнинг инъикоси бўлиб кўринганига шубҳамиз йўқ. На чора, инсон ақлининг ўшандаги даражаси шуни тақозо этган... Кейинчалик инсоннинг ақли ўсиб, билими кўпайиб, табиат-у жамият қонунларини кашф эта бошлаганлари сари, уларнинг ижодларида ҳам бу нарсалар беихтиёр акс этиб келаверган-келаверган... Эндиликда, масалан, наср жанримиз кўпгина тармоқланиб кетгани устига, яна шу даражага етдики, айрим ёзувчиларимиз фақат оламу одам ҳақидаги тасаввурларига суюниб, демак, инсоннинг онгига ҳам, ақлига ҳам бўй бермайдиган жуда ҳам пинҳона ҳис-туйғуларини-да акс эттира бошладилар. Фарбда Кафка деган модернист адиблар пайдо бўлди. Уларнинг издошлариям кўпайиб бораётир... Аммо шахсан мани, биродарлар, — дея домла залга кўз солди, — шахсан мани

— Абдулла Қодирини биламиз. Чўлпониям. Бугунги кун адибларидан мисол айтсангиз, — деди Норбой ака.

— Жуда яхши... Лекин, Норбой, бу тўғрида иккаламиз гаплашганмиз. Хўп, йигитлар, Қаҳҳорнинг “Синчалак” киссасини ўқимаганларинг йўқдир? Йўқ.

Мен дафъатан сергак тортиб кетдим: камина ҳам у повестни ётволиб ўқиган ва бош қахрамонининг исми Саида бўлгани учунми, ҳарқалай, шу образга кўпроқ эътибор бериб, ундан, назаримда, анча-мунча “нуқсон”лар, яъни ўқувчини ишонтириши мушкул бўлган ҳолларни ҳам “топган” эдимки, қачон бўлмасин, бу борада Матёкуб акага айтишним ўйлаб қўйгандим...

— Хўш, мисол учун, ҳаётимизда “паказуха” борми-йўқми? — домла қандайдир тезлашиб, балки баҳс-таллаб бўлиб залга кўз югуртирди. Ушбу русча сўзнинг маъноси ҳаммамизга деярли отнинг қашқасидек маълум, уни ўзимиз ҳам ишлатар эдик.

— Ҳа, рост, рост.

— Шунақа, ўртоқлар. Буни тушунган тушунади. Тушунмаганлар ҳақида гапириш, Ибрайимжон айтганидек, вақтни бекорга ўтказиш бўлади, холос.

— Раҳмат, домла, — деди Иброҳим Фафуров.

— Қаловини топса, қор ёнар экан-да, а, Матёкуб ака? — бўғилиб айтилган бу гапнинг эгаси курсдошим ва шоир дўстим Турсун Иброҳимов эди.

— Ҳа, албатта, — деди Матёкуб ака. — Бунинг учун ҳам адиб истеъдодли бўлиши керак.

— Менда бир савол бор! — деб қўл кўтардим шунда. Домла менга дафъатан яйраб қаради.

— Хўш, Шукурвай? Сиз ҳам шундай қўшилиб туринг-да, нукул гап ўғирлаб ўтирмасдан.

— Раҳмат. — Ўрнимдан турдим албатта. — Домла, ўша Саида образи ҳақида... Ўзи ўн саккиз яшар қиз бўлса—секретарь-котиба. Бирданига партком секретари бўлиб борди колхўзга. Буям майли... Аммо калхўзнинг раиси Қаланда-

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

Улар бошқа гап қотмай, домла Кўшхонов ҳам менга сумрайганича қолди. Ёнимдаги Менгзиё дўстимгина:

— Маладец, — деб шивирлади. Шунда Матёкуб аканинг чехрасини қизгин бир табассум қоплади.

— Сан “Иностранная литература”дан Флобернинг “Мадам Бавария” романини ўқигандирсан?

— Ҳа, домла. Қизиқ роман, — дедим.

— Бовария хонимнинг охири заҳар ичиб ўлишига ишондингми?

— Унгаям ишондим. Ахир, шунча алданишдан кейин, ҳамма ўйлаганлари сароб бўлиб...

— Балли. Асарнинг яратилиши-ю кейинги қисмати ҳақида эшитмагандирсан?

— Машхур бўлиб кетганини биламан.

Домла кулимсираб айтдики, кейин Флобердан: “Бу аёл кимдир ўзи? Ҳаётда прототиби борми?” деб

БУ КИШИМ — УСТОЗ, МЕН — ШОГИРД

ган гапни гапиравермайлик. Илим-мос... Матёкуб ака, ҳали келишдик-ку, мавзудан узоклашмасак яхшироқ бўларди. Масал ҳам яхши жанр-у, унга бунча эътибор беришга вақтимиз йўқроқ... Кечирасиз, дostonлар ҳақидаям шу маънода гапириш мумкин.

— Раҳмат, Ибрайимжон, — деб бирдан хўрсинди Матёкуб ака. — Ман Союзимиз раисларини тилга олиб, хато қилдим. Бу масалалар билан асосан Академиямизнинг фольклор сектори шуғулланиши... Узр, Академия хузурдаги Тил-адабиёт институтининг махсус бўлими шуғулланиши керак аслида...

— Эй, Шукуржон, бу ғалати давра экан-ку? — деб шивирлади Менгзиё. — Бу ердагиларнинг савиясиам бошқача-ку, а?... Мен тан бераётиман.

— Мен ҳам.

НАСРНИНГ ТАДРИЖИЙ ИМКОНИАТЛАРИ

— Гапнинг қисқаси, “роман” жанри, жумладан, “повесть” ва “ҳикоя” жанрларининг бизгача, демак, ҳозирги реалистик ҳолигача етиб келгунга қадар кўпгина босқичларни босиб ўтганини кўрамиз. Улар — классицизм, романтизм, танкидий реализм ва ҳоказо “изм”лардан иборатки, йигитлар, бизни қизиқтирадиган нарса айна мана шу жараёнда Адабиётнинг реал ҳаётга тобора яқинлашиб келиши ва пировардида унинг ифодачисига айланишидир.

Домла бир кўтал-довондан ошароқ аудитория диққатини ўзига қаратганини ҳис этдим, энди боз енгиллашиб фикрини давом эттира кетди: — Маълумингиз, “эртак ва дostonлар” ўзларининг яратилиш пайтидаги одамларнинг ақлий ва ҳиссий даражаларини, табиатга-ю мавжуд ҳаётга, ҳарқалай, хур-

соф реалистик усулда ёзилган ва ёзилаётган асарлар кўпроқ қизиқтиради ва Адабиётнинг шу йўридаги изланиш ва имкониятларини топиши, умуман, реал инсонни “реал қилиб” тасвирланиши манга ёқиб қолмасдан, менинг таҳлил объектимга қиради.

Йигитлар-қизлар, “Адабиёт — ҳаётнинг кўзгуси”, деган гапни ҳар қадамда такоррайдиган бўлдик. Ҳақиқатан ҳам, бир ҳисобдан, шундай: биз Адабиётдан, яъни, айна прозадан ҳам ҳаётимиздаги муаммоларниям ичдан ёритиб, керак бўлса унинг анатомиясини ҳам очиб берилишини талаб қиладиган бўлдик... Пироварди, Адабиёт — бизнинг дўстимизга, ҳамкор-йўлдошимизга, ҳасратдошимизга айлана бошлади. Тўғри, мавжуд-мазкур ҳаётнинг ички сир-синаотлари фош бўлишидан кўрқадиган доиралар бор. Улар фақат буржуа жамиятларидагина эмас, ўзимизда ҳам бор... Шунда Матёкуб ака олди қатор четдаги Талъат Солиховга илиқ жилмайиб қўйиб: — Шунақа, боя тўғри фикр билдирдингиз, — деди. — Буни яширишнинг ҳожати йўқ, ўртоқлар. Бу ҳолни ўша, дейлик, “ҳаётимиз фаровон, эркинми!” деб ҳар қадамда ваъз ўқийдиган сиёсатчилар ҳам билиб туришибди. Ва ана шунинг учун хавотирда улар... Бу ҳолни анчайин ёзувчи ҳам яхши билади. Аммо ана шу имкониятдан фойдаланиб қолаётган адиблар камчиликини ташкил этишади.

— Домла, ундайлар кам бўлишсаям, демак, бор. Бор экан, ўшалар ижодидан мисоллар келтира олмайсизми? — тагин ўрнидан астагина турган Иброҳим Фафуров шундай дея на ўтирди.

Домла шоеън мамнуният билан: — Мисоллар кўп, жуда кўп, — деб хитоб қилдилар. — Умуман айтганда, чинаккам ҳаққий адибларимизнинг асримиз бошида ёзган асарларидан ҳам мисол келтириш мумкин.

— Бор-бор! Ҳар қадамда! — дейишди кўплар. Анвар Эшон эса:

— Ҳе, омон бўлинг, ёшулли! — деб шовқин солди. — Айтинг, бир маза қилайлик!

— Мана, масалан, юртимизга чет элдан меҳмонлар келишади, — дея кулимсираб бошлади домла. — Улар ким бўлишларидан қатъи назар, биз ўзимизни яхши, хўш-ш, тўқ-тўқис, жудаям бахтиёр яшаётгандек қилиб кўрсатишимиз керак. Тўғри, бу ерда халқимизнинг ўзига хос менталитетиям бор шундай жиҳат: масалан, уйимизга меҳмон келганда, йўқчиликларимизни яширамиз. Ўзимизни ҳалигидақа қилиб кўрсатамиз. Аммо ҳукуматимизнинг айрим раҳбарлари миллатнинг бу ажиб фазилатини эксплуатация қилишади. Айтилик, меҳмон келиши олдидан қандайдир оилаларни шунга тайёрлашади ва ҳоказолар. Тагин денг, улар ўтиши мумкин бўлган бузуқ йўллар бир кечада тузатилади. Ҳамма ёқ супурилган-сидирилган, ораста...

— “Колхозимиз бўлди обод!” деган шиорлар илинган, — деди Маҳмуд Саъдий ва залда гуриллаб кулги таралди. Менгзиё батамом хайрон бўлиб, менга қаради.

— Бу кулгининг сабаби бор, — деб энди ўзим шивирладим унга ва айтмасдан туролмадим: — Хув у ерда, Омон Мухтор деган шоирнинг ёнида Ҳабиб Саъдулла ўтирибди. Уям шоир. Ўшанинг шеъри бор: “Колхозимиз бўлди обод, Мен йиғламай — ким йиғласин...”

Менгзиёнинг шайтони зўр экан: қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди-ку! Энди ҳамманинг бизга қараганини кўринг! Хайрият, улар ҳам ўша сатрнинг давомини еслашдим, тагин кула бошлади.

— Ана шу “паказуха”ни Абдулла Қаҳҳор “Синчалак”да берган. Эслангизлар. Ижобий қахрамон шу ишни амалга оширади... Тўғри, у юмор аралаштириб берган. Аммо бера олган-да.

ровнинг олдида бу қизча — пашша, деб ўйлайман. Шунинг учун раис уни бир пуфласа, учиб кетиши мумкин эди...

— Ман сани фикрингни тушундим, — деди домла кўққисдан асабийлаша бошлаб. — Лекин Қаландаров уни кў-ўп пуфлаб кўрди-ку?

— Ҳа, шундай қилди-ю, лекин у... негандир учиб кетмади.

Домла менга тикилиб қолди.

— Учиб кетишини истармидинг?

— Йўқ, албатта. Саида менга... дарров яқин бир кишидек бўлиб қолган эди.

— Эй, Шукуржон, — дея нари томондан Маҳкамжон кўзгалди. — Сиз Жюль Верннинг “Ўн беш ёшли капитан” романини ўқигансиз. Айтинг-чи, ўша “сарви галава”нинг каттако-он кемани денгиз пўртаналарида бошқариб, аллақанча одамларни ҳалокатдан олиб қолганига ишонасизми? Кечирасиз, ишонгансиз-а?

— Ҳа. Ҳарҳолда.

— Ёшгина боланинг қоплонни кучоқлаб, пичоқ солишига-чи? — деб қолди-ку бу ёндан Норбой ака.

“Бўлди. Худо урди мени”, деб ўйладим-у, ёшлигимда Бойсунда Рашидча ва Владик деган безори, етим болалар билан ёнғоқ ўйнаганимда олисдаги ёлғиз ёнғоққа ҳовучимда бор ёнғоқларни битталаб эмас, ҳаммасини “гардкам!” деб отиворганим эсимга тушиб кетди — “гардкам!” дея жавоб қайтардим:

— Ишонаман, Норбой ака. Ўн беш ёшли капитаннинг ҳам саргузаштларига ишонган эдим, Маҳкамжон, - дедим. — Лекин ҳали тажрибасиз, ёшгина қизчанинг мўйлови шопдек бўлган, нимаси биландир Шукур Бурҳоновга ўхшаб кетадиган кекса раисни мот қилишларига ишона олмадим. Назаримда, қизнинг ўрнида Абдулла Қаҳҳорнинг ўзлари жавоб бераётгандек туолди...

(Давоми бор.)

ФИЛИППИН МУРОСА ЙЎЛИГА ЎТДИ

Филиппин ҳукумати яқин кунлар ичида Ироқдаги ҳарбийларини олиб чиқиб кетишини айтмоқда. Филиппин фуқароси бўлган Анхело де ла Круса гаровга олинган, шу қарорга келинди.



Айни вақтда жангарилар Анхело де ла Круса тутқинликда ушлаб турибди. «Аль-Жазира» телеканалнинг айтишича, филиппинлик ҳамма аскарлар, қачонки Ироқ худудини тарк этсагина, жангарилар гаровдаги шахсни озод этишини билдирган. АҚШ ва Австралиядан бўладиган босимга қарамасдан расмий ҳукумат жангарилар билан мурося йўлини танлади. Филиппинлик билан бирга гаровга олинган болгарияликлар тақдири борасида эса ҳамон бир тўхтама қелингани йўқ. Лекин ҳар хил тахминлар илгари сурилмоқда. Эслатиб ўтамиз, бугунгача жангарилар томонидан гаровга олинган америкалик Ник Берг ва жанубий кореялик Ким Сон Ир қатл этилган.

Голландиянинг ҳарбий хизматчилари Нидерландиянинг Антилия оролларида нарқобизнес билан шуғулланганлиги ҳақида хабар тарқатди Нидерландиянинг маҳаллий газеталаридан бири «Алхе-меен дахблад». Шу йилнинг ўзида 15 нафар голландиялик ҳарбий денгизчи нарқобизнес билан шуғулланаётганида қамоққа олинган. Яна 30 нафар голландиялик ҳарбий эса, унча катта бўлмаган ўғирликлар учун жандармлар томонидан ушланган.

ҲАРБИЙЛАР ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

Бразилиянинг ҳарбий ҳаво кучларига қарашли бўлган вертолёт қулаб тушди. Мудҳиш воқеа оқибатида 6 нафар ҳарбий ҳалок бўлган. Бу фожеа мамлакатнинг жанубида жойлашган Риу-Гранди-ду-Сул штатида содир бўлди, дея хабар беради ВВС ахборат маҳкамаси. Фалокатга учраган НМ-1 «Пантера» вертолётни машқ учун парвозга чиққан эди. Бундай мудҳиш воқеа охириги уч ой ичида Бразилияда учинчи бор кузатилмоқда. Бунинг оқибатида 8 нафар ҳарбий ҳалок бўлиб, 1 нафари оғир яраланган.



ҲАРБИЙ ВЕРТОЛЁТ ҚУЛАБ ТУШДИ

Мен осмонга нигоҳ ташлаб, ўз кўзларимга ишонмадим: оқшом пайти элас-элас оқариниб турган тутунчалар кул ранг пардаларга айланиб, дақиқа сайин қуюқлашаётган ва оғирлашиб бораётган эди. Жодутар аёл дўмбираларни яна ва янада тезлатишга ундар ва булутлар пулемётдан отилаётган ўқдек саваланаётганга ўхшарди. Осмону фалак бунчалар шафқатсиз жисмоний жазо (экзекуция)га бардош беролмади: куйроқда сузиб юрган булутлардан ниҳоят орзиқиб қутилган ёмғир қўйила бошлади».

ҲИРОТГА ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИНДИ

Афғонистоннинг Чахчарон шаҳрида ҳукумат кўшинларининг икки аскари назорат-ўтказув пунктида икки қуролли шахсни ўлдириб қўйганидан сўнг дарғазаб оломон сайлов комиссияси жойлашган бинони вайрон қилган. Аъзолари, асосан, чет элликлар – БМТ ходимлари бўлган сайлов комиссияси вертолётда Ҳирот шаҳрига эвакуация қилинди. Чахчарон шаҳри сўнги пайтларда маҳаллий дала кўмондонлари ўртасида бир неча бор қўлдан-қўлга ўтиб турди. Июнь ойининг охирида шаҳарда тартиб ўрнатиш учун Кобулдан 200 нафар аскар ташланган эди.

Шерзод АХМАТОВ, Асила ЖЎРАЕВА тайёрлади.

Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи томонидан 2002 йилда Имомов Жамшид Мирзажонович номига берилган О'Р № 1023877 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультети жамоаси дифференциал тенгламалар кафедраси доценти О.Зикировга отаси **СОЛИЖОН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

Мана, бир неча йилдирки, мамлакатимиз ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида, хусусан йўналишлари турдош ва бир-бирига яқин бўлган касб-хунар коллежлари раҳбарларининг ўзига хос директорлар Кенгашлари ташкил этилган бўлиб, улар бутун ўқув йили давомида бир неча бор йиғилишади. Ана шундай Кенгашларда соҳа ходимлари олдида тўпланиб қолган долзарб саволлар, ечимини кутаётган масалалар, умуман таълим муассасаларида ўқитиш ва тарбия бериш ишларини янада такомиллаштириш борасида жойларда амалга оширилаётган ижобий ишлар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, ўзаро тажриба алмашилади. Ўтган ҳафта ниҳосида пойтахтимиздаги Тошкент банк коллежида доктори Зайниддин Худойбердиев иқтисодиёт, банк ва ҳуқуқшунослик йўналишидаги касб-хунар коллежлари директорлари Кенгашининг навбатдаги йиғилиши ҳам ана шундай самарали ҳамкорликнинг асносида ташкил этилди.

Республика бўйича 80 тага яқин иқти-

содиёт, банк ва ҳуқуқшунослик йўналишлари коллежлари раҳбарлари иштирок этган ушбу йиғилишни Кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори Улугбек Иноятлов кириш сўзи билан очар экан, бугунги кунда мамлакатимиз ўМКХТ тизимида изчиллик билан олиб борилаётган амалий ишлар, бу борада бартараф этилиши лозим бўлган жиҳатларнинг ҳали-хануз учраётгани, бу эса соҳа ходимларига янада кўпроқ масъулият юклаши тўғрисида айтиб ўтди. Янги 2004-2005 ўқув йилида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг II сифат босқичида касб-хунар коллежлари жамоаларининг вазифалари хусусида ҳам сўз юритилди.

Кенгаш йиғилишида Тошкент банк коллежи директори, иқтисодиёт фанлари доктори Зайниддин Худойбердиев иқтисодиёт, банк соҳаси йўналишидаги коллежларда касбий фанларнинг ўқитилиш ахволи ва амалий машғулотлар олиб борилишининг ўзига хос хусусиятлари ва уни такомиллаштириш йўллари, Тошкент юридик коллежи директори, юридика

фанлари номзоди М.Сатторов ва ўМКХТ муассасаларида ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш муаммолари ва ечимлари хусусида маъруза қилишди.

Касб-хунар коллежларида таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш, хусусан касбий фанларни ўқитиш сифатини юқори даражага кўтариш, ўқитувчилар маъласини ошириш ва айни кунда умумий ўрта таълим мактаблари 9-синфини битирган ёшларни касб-хунар коллежларига қабул қилиш жараёнини сифатли ташкил этиш каби бир қатор масалалар юзасидан тадбир иштирокчилари баҳс-мунозара олиб боришди.

Йиғилишда директорлар Кенгашининг янги 2004-2005 ўқув йилига мўлжалланган иш режаси кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Кенгаш раисининг бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тошкент банк коллежи раҳбари З.Худойбердиев янги ўқув йилида кенгаш ишига раислик қиладиган бўлди.

Ойбек ШОСАИДОВ

ЁМҒИР ЧАҚИРИШ МАРОСИМИ

Жазирама иссиқ. Қанийди сув бўлса... Ёввойи қабила вакиллари ва замонвий илмфан кишилари осмон эшигини очиб, ерга ёмғир ёғдиришнинг талайгина усуллари ни ўйлаб топишганки, баъзан уларнинг бу ишдан ҳайратдан ёқа ушлайсиз.

«... Дўмбиралар тун бўйи тинмай гумбурлаб чиқди. Эрта тонда сеҳру жодули таъсирнинг якуний қисми бошланди...»

Афсунгар аёл дўмбиранинг оҳангига мос равишда жимгина чайқала бошлади. Кейин эса тамтамлар(дўмбира)га ўзи дирижёрлик қила бошлади. Қўлларини тобора тезлашиб бораётган оҳангга мос ҳолда кескин юқорига кўтариб, дўмбирачиларни янада кучлироқ зарб беришга мажбурларди.

Мен осмонга нигоҳ ташлаб, ўз кўзларимга ишонмадим: оқшом пайти элас-элас оқариниб турган тутунчалар кул ранг пардаларга айланиб, дақиқа сайин қуюқлашаётган ва оғирлашиб бораётган эди. Жодутар аёл дўмбираларни яна ва янада тезлатишга ундар ва булутлар пулемётдан отилаётган ўқдек саваланаётганга ўхшарди. Осмону фалак бунчалар шафқатсиз жисмоний жазо (экзекуция)га бардош беролмади: куйроқда сузиб юрган булутлардан ниҳоят орзиқиб қутилган ёмғир қўйила бошлади».

Инглиз сайёҳи Хьюго Чартерис 50-йилларда, Гвинеяда кузатган ёмғир чақиринининг сеҳрли маросимини ана шундай таърифлаган.

Эраимиздан аввалги 102 йили содир бўлган катта жанг ҳақида ҳикоя қилган қадимги юнон тарихчиси Плутарх ўша кезде ёмғир сел бўлиб қуйилгани ҳақида ёзиб, бу қирғинбарот жангнинг шовқини туфайли юзага келган, деган тахминни билдирган эди. Балки чиқдан ҳам шундайди: осмону фалак кучли шовқиндан ларзага келиб, қурғоқ ерларга сув қуя бошлайди.

«ЁМҒИР ПРОФЕССОРЛАРИ»

XVI асрда италиялик ҳайкалтарош Бенвенуто Челлини, тўпалардан гумбурлатиб ўқ отиш йўли билан ёмғир чақирини тақлиф этган. Францияда узумзорлар сувсизликдан азият чека бошла-

ган чоғларда, барча қўнғироқларни бирваракайига чала бошлаганлар.

1880 йили Америкада истеъфодаги генерал Даниэл Раггузегга ҳатто 230067 рақамли патент ҳам берилган экан. Бу ихтирочи пороҳли заряд тўлдирилган ҳаво шарини тўғри булутлар устига чиқариб, ўша ерда портлатишни тақлиф қилган экан.

Шуни айтиш жоизки, булутлардан пул қилиш ботида америкалик ихтирочиларнинг олдида тушадигани бўлмаган. Темирийўл ходими Клейтон Жуелл «Рок-Айленд энд Пасифик» темирийўл компанияси бошқарув ҳайъатини,

рикада ниҳоят сунъий равишда ёмғир чақирини тақлиф қилиш билан олимлар ҳам шуғуллана бошлашди. Бунинг учун нималарни синаб кўришмади дейсиз: электр билан зарядланган қум ва селитра, кўмир ва олтингургурт кислотаси, суюқ ҳаво ва майда чанглардан ташкил тошган бомбалар ва ҳоказо. Бироқ статистик аҳамиятга эга бўлган бирон-бир натижаларга эришолганлари йўқ.

ҲАРҚАЛАЙ ИЛОЖИ БОР ЭКАН

Техника фанлари доктори Олег Евгеньевич Антоновнинг фикри ҳам шундай.



кимёвий моддалар ёрдамида сув буғларини конденсациялаш (суюқлаштириш)нинг самарали усулини ихтиро қилганлигига ишонтира олган. Компания «ёмғирли лаборатория» учун унга иккита вагонни тақдим этган. Клейтон эса уларни сирли аппаратуралар, кўплаб баклар, қувурлар, электрик генераторлар ва симларга тўлдириб ташлаган. Томига эса «пуркагич» ўрнатиб, ундан тўё атмосферага алоҳида газлар чиқарган. Жуелл уларнинг таркибини сир сақлаган. Клейтон шахсий поездда Американинг ярмини кезиб чиқади ва ўз номига 66 маротаба ёмғир ёғдириганини қайд этиб қўяди. Кунларнинг бирида ростман сув тошқини бошланиб кетгач, маҳаллий фермерлар Жуеллдан бузоқчалари чўкиб кетмаслиги учун шаррос қуяётган ёмғирни тўхтатиб беришни ёлвориб сўрашган. У эса ғурур билан: «ҳеч қанақасига ёрдам бера олмайман, дастур 90 кунга мўлжалланган. Яхшиси, бузоқчаларингизни сузишга ўргатинг», - деб жавоб берган.

20-йиллардан бошлаб Аме-

Бир неча йил аввал унинг столига ўнлаб қапмайган папкаларни тахлаб қўйишди. Булар экстрасенслар, телепатлар, алоқа қилувчилар, ҳар турли пси-майдонлар, параллел дунёлар, ноль бўшлиқларни «кашф этувчилар» ва бошқалар тақдим этган ҳисоботлари-у тақлифларидан иборат эди. Тақдим этилган лойиҳалар ичида, айниқса биттаси Антоновни аччиқлантирди. Унда оддий қўлчи-роқ батареясининг қуввати ҳисобига циклонларни буриб юбориш тақлиф этилган эди. Кейин у ниманидир ўйлаб қолди ва жаҳидан тушди. Шу топда унинг ёдига шомонлар ҳақидаги афсона тушиб қолди, улар доирани чалиб, ёмғир чақиринларди, шунингдек қишлоқ жодутарлари ҳақида ҳам элади. Улар далага чиқиб, олдиларига тосни қўйиб олганча, унга диққат билан тикилиб туришарди — момогулдиракли булутлар уларнинг хаёлий даъватига қараб келаверарди.

Ана шу тос Антоновда бутун умр шуғулланиб юрган локаторлари билан уйғун-

G'aroyib olam

ликни келтириб чиқарди. Циклонларни бошқариш эса — жуда ошириб юборишмадимикан? Туман ва ҳатто ёмғирни қамал қилиш... Бу қандайдир иложини қилса бўладиган нарсадек туюлди унга.

Антонов яна иккита мутахассисни мана шу масалага қизиқтира билди. Буни қаранг, амалга ошириш сира мумкин бўлмайдигандек туюлган нарсани бемалол рўёбга чиқариш мумкин экан.

Антонов ва унинг ҳамкасблари томонидан тақлиф этилган назариянинг умумий қирралари қуйидагича. Булутлар — у маълум ҳажмдаги кўплаб майда заррачалар ва оғирлик бўлиб ҳаво босимининг тиргаги туфайли осилган ҳолда тутиб турилади. Бу булутларни йўқ қилиш учун уларнинг томчиларини шунчалик катта ҳажмда йириклаштириш зарурки, натижада улар ўзининг шахсий оғирлиги остида ерга қўйилиб тушсин, ёхуд аксинча, уларни майда заррачаларга бўлиб, буғга айлантириш лозим. Бу икки жараён бетўхтов давом этади, бунинг учун аэрозол махсус танлаб олинган параметр ва шаклларда электромагнит тўлқинлари билан нурлантирилиши зарур. Бунда ҳар бир жараёни бошқариб туриш имкони бор. Агар қўшни томчилар тўлқинларнинг узунлигидан камида ярим баробар узқикдаги масофада жойлашган бўлса, бу ҳолда улар ўртасидаги тортишиш вақти, орта тисарилиш вақтидан ортиб кетади. Бинобарин, улар ўзаро яқинлашади, кейин бирлашади, сўнгра эса ёмғир бўлиб қуйилади.

Антоновнинг ҳисоб-китобича, инсон мазкур жараённи ишга тушириш учун етарли даражадаги қудратли майдонни яратишга қодир. Бу билан жодутарлар, шомонлар «ёмғир афсунгарлари»нинг атмосфера ҳодисотига таъсир кўрсатиш механизмининг изоҳлаш ҳам мумкин бўлади. Масалан, чилдирманнинг товуш тўлқини, туман ёки ҳавонинг авзойи паст бўлиб турганда сув томчиларини «майдалайди». Тебранишга йўлиқиб эса, унинг оқибатида келиб чиқадиган барча асоратлар билан янада йирикроқ даражада қўшилишиб, уларни тепилишга ва кўчиб юришга мажбур этади.

Шарифа МУРОДЖОН қизи, Хугминисо ЭНАЗАРОВА тайёрлади.

ЧИЗИҚЧА БИЛАН
ЎЗИЛАДИГАН СЎЗЛАР

Тилдаги сўзлар морфологик жиҳатдан турлича бўлганлиги боис уларнинг ёзув-да акс этиши ҳам худди шундай. Сўзларни тўғри ёзиш учун тегишли грамматик қонун-қоидаларга амал қилишимиз керак. Хусусан, чизикча билан ёзиладиган сўзларнинг имлосида ҳам кўпинча, хатоликларга йўл қўйилади. Айниқса, бу ўринда иккита тиниш белги ўзаро фарқланмай қолади. Улар: тире (чизик) ва дефис (чизикча). Бу икки белги бир-бирига шаклан ўхшаш бўлса-да, лекин айнан бир хил эмас:

- (тире—чизик)
- (дефис—чизикча)

Бажарадиган пунктуацион вазифасига кўра, чизик бoshqa, чизикча boshqa бир ходисадир.

Масалан, чизик тилда диалогли гапларда, боғламасиз қўлланилган от кесимли гапларда, умумлаштирувчи сўз уюшқ бўлаклардан кейин келганда, кўчирма гапларнинг айрим турларида ва бoshqa ўринларда қўлланилса, чизикча эса бўгин кўчир-ришда, араб рақами билан ишлатиладиган тартиб сонларда, жуфт ва такрор сўзларни ўзаро ажратишда, ажралувчи

Жамиятимизнинг бугуни ва келажги ёшларимизнинг маънавий салоҳияти билан узвий боғлиқдир. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ўқувчиларнинг эстетик фазилатларини шакллантириш коллежимизнинг ихтисослашганлигига боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда. Коллежда таҳсил олаётган 360 нафар ўқувчиларнинг тафаккурини саҳна амалиётига йўналтиришда 70 нафар ўқитувчи ва мутахассис педагоглар назорат қилиб, бошқариб бормоқдалар.

Ўқитувчилар томонидан умумтаълим ва мутахассислик фанлари бўйича тайёрланган 80 дан зиёд маъруза матнлари, 20 та эс-латма, 10 та дастур, 7 та қўлланма ёш ўқитувчиларда катта қизиқиш уйғотиб, таълим самардорлигини оширишда пойдевор бўлмоқда. Коллежимизда меҳнат қилаётган ўқитувчи-педагоглар Ўзбекистон давлат консерваторияси, Маданият институти, БухДУнинг малака ошириш факультети, СамДЧТИ, Тошкент хореография ва миллий

АЛИФБО САБОҚЛАРИ

7-сабоқ

қисм ёки қўшимчаларни ёзишда ва ҳоказо ҳолатларда қўлланилади. Шундай бўлса-да, юқоридаги ҳолатларни бузиб, яъни мазкур тиниш белгиларини ўзаро алмаштириб ёзишлар ҳам тез-тез учраб туради. Натижада, тил қонунияти нуқтаи назаридан жиддий ғализликларга йўл қўйилади. Ана шуларнинг олдини олиш мақсадида, қуйида чизикча билан ёзиладиган сўзларнинг бир қисми билан алоҳида танишиб чиқамиз:

1. Жуфт сўз ва такрор сўз қисмлари чизикча билан ёзилади: **el-yurt, mehr-shafqat, qovun-tarvuz, omon-eson, kecha-kunduz, yozin-qishin, asta-sekin, uch-to'rt, o'n-o'n beshta (10-15 ta), bilinar-bilinmas, bordi-keldi, kuydi-pishdi, don-dun, oz-moz, mayda-chuyda, aldab-suldab, o'ylab-netib, so'ramay-netmay, kiyim-kechak, adi-badi, ikir-chikir, duk-duk, qat-qat, qop-qop, mingming (ming-minglab), bitta-bitta, (bitta-bittalab), baland-baland, chopa-chopa,**

ishlay-ishlay, yaqin-yaqingacha, hamma-hammasi, uy-uyiga, ich-ichidan каби.

Эслатма:

1) жуфт сўздан қўшимча ёрдамида ясалган сўзлар ҳам чизикча билан ёзилади: **baxt-saodat, xayr-xo'shlashmoq** каби;

2) жуфт сўз қисмлари орасида **-u (-yu)** боғловчиси келса, ундан олдин чизикча қўйилади ва жуфт сўз қисмлари ажратиб ёзилади: **do'st-u dushman (do'st-dushman), kecha-yu kunduz, (kecha -kunduz)** каби;

3) етакчи ва кўмакчи феъл бир хил шаклда бўлса, чизикча билан ёзилади: **yozdi-oldi, borasan-qo'lasan, uxlabman-qolibman** каби.

2. Белгини кучайтирувчи **qip-qizil, yam-yashil, dum-dumaloq, kuppa-kunduz, to'ppa-to'g'ri, bab-barobar** каби сўз шакллари чизикча билан ёзилади (лекин **oppoq** сўзи қўшиб ёзилади).

3. Сўзнинг **-ma, ba-** ёрдамида бир-

лашган қисмлари чизикча билан ёзилади: **ko'chama-ko'cha, uyma-uy, rang-barang, dam-badam** каби. Лекин мустақил ишлатилмайдиган қисм қатнашса, бундай сўзлар қўшиб ёзилади: **ro'baro', darbadar** каби.

4. Рус тилидан айнан ёки сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан олинган сўзлар аслига мувофиқ чизикча билан ёзилади: **unter-ofitser, kilovatt-soat** каби.

5. **-chi, -a (-ya), -ku, -u (-yu), -da, -e, -ey (-yey)** юктамалари чизикча билан ёзилади: **sen-chi, boraylik-chi, sen-a, kutaman-a, bola-ya, mingta-ya, keldi-ku, kelgan-u, yaxshi-yu, yaxshi-da, qo'y-e, o'g'lim-ey, keldi-yey** каби. Аммо **-mi, -oq (yoq), -ov (-yov), -gina (-kina, -qina)** юктамалари ўзидан олдин келган сўзга қўшиб ёзилади: **keldimi, keliboq, o'ziyoq, ko'rganov, ko'rdiyov, mengina, qo'shiqqina** каби.

6. Тартиб сон араб рақамлари билан ёзилса, **-nchi** қўшимчаси ўрнига чизикча (-) қўйилади: **7-sinf, 5-«A» sinfi, 3-, 7-, 8-sinf o'quvchilari, 60-yillar, 1991-yilning 1-sentabri** каби. Тартиб сонни кўрсатувчи рим рақамларидан кейин чизикча ёзилмайди: **XX asr, X sinf** каби.

Баҳодир СУЮНОВ



Коллеж жамоаси ўртасида маънавий ва маърифий ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш борасида вилоят Маънавият ва маърифат маркази, маданият ишлари бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйил-

ўқув юртининг нуфузини ошириш мақсадида янги 2004—2005 ўқув йилига пухта тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар. Вилоят халқ таълими тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактаблари, бoshqa ёшлар фаолият юритаётган корхона ва муассасалар билан «Очиқ эшиклар» куни ўтказилиб, ота-оналар ва уларнинг фарзандлари билан самимий учрашувлар ташкил этилгани коллежимиз нуфузини оширмоқда.

Бизнинг асосий масъулиятимиз ва мажбуриятимиз давр билан ҳамнафас фидойи ва баркамол ёшларни тарбиялаб, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотишдир. Ўзбек классик мақоми ва мусиқасини ҳамда шаклланиб бораётган замонавий эстрада-қўшиқ ижрочилигининг нозик қирраларини саҳна орқали кўрсатиш санъаткордан катта билим ва маҳорат талаб этади. Ҳақиқий санъаткор ўзининг вақтинчалик ютуғи билан мақтанмайди, у доимо ўзидан ҳам зўр илми хушовоз санъ-

КОЛЛЕЖДА
САҲНАЛАШТИРИЛАЁТГАН
АСАРЛАР

Инсон боласи бу ёруғ оламга қадам қўяр экан, аста-секин ҳаётга, атроф-муҳитга мослашиб улғаяди. Бу ташвишлар инсон учун унчалик оғир кечмайди. Чунки у бу оликма ва тажрибаларни онгига оила муҳитида сингдириб олади. Шахс аста-секин ички ҳиссиёти ютуғидан қувониб, ўзининг иккинчи шижоати учун қалбида замин яратади. Ана шу даврда ота-оналар, ўқитувчилар уларнинг ёнида шахс шаклланаётганлигини унутмаслиги лозим.

Эндигина шаклланаётган ниҳол қалбига қўпол таъсир қилмасдан, унга дўстона ўз фикрини айтишга шароит яратиб, шаклланишига ёрдам бериш улардаги билагонлик, синчковлик, изланувчанлик, ҳозиржавоблик каби фазилатларини уйғунлаштиради. Шахсга ёшликдан эркинлик руҳи қанчалик сингдирилса, у келгусида шунчалик етук шахс сифатида қомил инсон бўлиб вояга етади. Таъкидлаш жоизки, илғор педагогик технологиянинг асосий тамойилларидан бири, шахс онгига эркинлик туйғусини шакллантириш, келажак ҳаётида унга асқотадиган ягона — бошқаларга халақит бермаслик талаби қўйилади. Шундай экан, унга амал қилган ҳолда таълим масканимизда таҳсил олаётган ёшларга таълим-тарбия жараёнида уларнинг қалбидаги руҳий эркинликни янада чуқурроқ шакллантиришга бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқувчиларга берилаётган кўп қиррали назарий билим амалиётда ҳам ўз исботини топмоқда. Жумладан, 2003 йилда «Ўзбекистон қўшиқ байрами» вилоят босқичида коллежимизнинг хор жамоаси иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари, «Оммавий байрамлар ташкилотчиси» йўналиши ўқувчилари Американинг ВИНРОК жамғармаси билан ҳамкорликда «Армонли дунё» драматик фожеа асарини саҳналаштирди. Вилоят телевидениеси орқали намойиш этилиб, республикада 1-ўринни олди ва у инглиз тилига таржима қилинди. Маннон Ҳамид қаламига мансуб «Синган ойна ёхуд замонамизнинг Қирол Лири» асари саҳналаштирилди ва вилоят жамоатчилиги томонидан яхши қабул қилинди.

Фотима ҲИҚМАТОВА,
Маънавият ва маърифат ишлари
бўйича директор ўринбосари

САНЪАТСЕВАРЛАР
МАСКАНИ

рақс олий мактаби, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида жами 33 нафар ўқитувчи малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқиб, малакасини ошириб қайтдилар.

Бундан ташқари, коллежимизда вилоят ЎМКХТ бошқармасининг буйруғига асосан доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларига коллежининг ўқитувчи ва педагоглари жалб қилинган. Бу курсларда ўқитувчилар, асосан, 5 та йўналишда — компьютер, методик, маънавий-маърифий, касбий тайёргарлик ҳамда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш бўйича малакасини оширмоқдалар.

ган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳамкорлик қилаётган ана шундай ташкилотлар билан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва қарорлари, ЎМКХТ маркази ҳамда вилоят ҳокимлиги ЎМКХТ бошқармасининг буйруқлари асосида «Яхшилар ҳамisha эл ардоғида», «Қонун жамиятининг устуни», «Янги-ча фикр ва қарашлар», «Огоҳликка даъват», «Хушёрлик эркимизни кафолатлайди» мавзуларида қатор семинар, суҳбат, беллашув ва кўрик-танловлар ўтказилди.

Ёшларга тўғри йўл кўрсатаётган Мамараҳим Темиров, Мехринисо Умарова, Ирода Шодиева, Гулчехра Нурмуродова, Отабек Исматовларнинг ижодий фаолияти бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Замонавий фан хоналари, лабораториялар, мусиқа хоналари, рақс хоналари мавжуд. Бундан ташқари, 360 ўринли ётоқхона, 320 ўринли ошхона, кутубхона, ўқув зали, стадион, гимнастика шаҳарчаси ва қишки спорт зали ёшлар ихтиёрида.

Коллеж жамоаси айна кунда

аткор борлигини эсдан чиқармаслиги лозим.

Санъаткор шеърни ашулага айлантириб, мусиқа пайрови остида маҳорат билан томошабинларга етказа билиши атрофдагиларнинг олқишларига сазовор бўлади. Шу ўринда айтиш керакки, санъат гулшанига саёз қўшиқлари билан қириб, халқимиз эътиборидан четда қолаётган ҳаминқадар санъаткорлар ҳам бугун орамизда учраб турибди. Бундайлар миллий руҳият ва ўзликни намоеён этувчи қадриятлар ҳамда энг гўзал анъаналаримиздан орқада қолганлардир. Уларга ранг-баранг гўзал туйғуларни шакллантирувчи санъат қонуниятларини ўргатиш зарур. Улар орасида ўзбек санъатининг доврғини ёйишга интилаётган навоийлик ёшлар ҳам борлигидан фахрланамиз. Айни пайтда санъаткордек улғу номга эга бўлиш мақсадида ва руҳиятимизнинг маънавий манбаи бўлмиш сирли оҳанглари жонли тарзда садолаштириш учун тинмай меҳнат қилиб, изланишлар олиб бораётган ёшларга ҳамisha қувонч ва омад насиб этсин.

Ф.БЎРОНОВ,
Навоий маданият ва санъат
коллежи директори

ЎЗБЕК НОМИ ДОСТОН БЎЛДИ, РУСТАМЖОН!



Уч кундирки, юртимизда мисли кўрилмаган галаба шов-шуви кезиб юрибди. Миллатимизнинг эр ўғлони Рустам Қосимжонов «Оламнинг пешонаси»га яна бир бор ЎЗБЕК деган номни чиройли қилиб илиб кўйди. Амир Темурнинг жасоратига ишонмаганлар ёқа ушлаб қолгани қизиқ бўлди. Бу буюк галаба нашидаси туфайли дунёдаги барча ўзбекларнинг юраги тўлқинланиб сакраётгани бежиз эмас. Яхшиям у қафас ичида.

Эҳ-е, болам унга ўшасин деган онажонлар кўзидаги қувонч ёшларини айтмайсизми? Тоғни талқон қиладиган баҳодир ўғлонлар жасоратидан фахрланиб юрган қизалоқларнинг шодланганиничи. Қисқаси, Рустамжоннинг закийлиги олдида шахмат тахтасидан тушмайдиغانлар ҳам «тошини териб» қолишди.

Айни кезларда миллатимизнинг улкан галабаси шаънига кимдир шеър, кимдир кўшиқ, кимдир эса ширин сўзлари билан дил изҳорларини баён қилмоқда.

Рустам ҚОСИМЖОНОВга

Миллат кўзи ойинаи жаҳонда,
«Ўзбек!» сўзи ойинаи жаҳонда.
Ўзбек юзи ойинаи жаҳонда,
Ғалаба биз томон бўлди, Рустамжон!

Бошинг узра байрогимиз – йўлдошинг,
Йигирма тўрт миллиондир қўлдошинг.
Суянчинг донишманд Юртбошинг,
Замонда қаҳрамон бўлди, Рустамжон.

«Ғалаба!» деб миллат фикри бирлашди,
«Рустам! Рустам!» деган зикри бирлашди.
Бир-бирини кучди, меҳри бирлашди,
Кўкрагимиз осмон бўлди, Рустамжон!

Йигирма тўрт ёшда олдинг жаҳонни,
Юзлаб тиллар сўйлар Ўзбекистонни.
Еслатдинг Навоий, Соҳибқиронни,
Бу кўпларга armon бўлди, Рустамжон!

Оққан дарё оқмай қолмас, билинди,
Ўзбек ўғлонига таъзим қилинди.
Аждодларга дилдан таъзим қил энди,
Ўзбек номи достон бўлди, Рустамжон!

Қаҳрамонлик бугун албат жангдамас,
Шахмат юзи жанггоҳдан ҳеч кам эмас.
Иродага таянганлар ғам эмас,
Майкл холи ёмон бўлди, Рустамжон.

Чемпионлик — буюк фахр, эътибор,
Мардлар бермас бошдан тожини зинҳор.
Ҳали издоши кўп — Рустамжонлар бор!
Тождорларга сарбон бўлди Рустамжон!

Алибек САНАКУЛОВ,
Кўшработ туманидаги 13-ўрта мактабнинг
она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими, шу тумандаги 15-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби жамоаси шахмат бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Рустам Қосимжоновни галабаси билан чин юракдан муборакбод этади ва у билан фахрланади. Унинг бу галабаларига эришишида Рустам таҳсил олган 76-мактаб, болалигидан шахмат сирларини ўргатган 15-спорт мактаби жамоаси, қолаверса унинг биринчи мураббийси Александр Васильевич Грушевский, Иброҳим Аҳмаджонович Имомжоновларнинг ҳам кўшган ҳиссалари каттадир.

Бутун шаҳар таълим ходимлари номидан Рустам Қосимжоновни яна бир бор улкан галаба билан қутлаймиз. Кўп йиллар давомида ушбу ғолиблик шохсупасини эгаллаб туришига тилашдошимиз. Шундай ўқувчиларимиз сафи кенгайиб бораверсин.

Ғолиблик тожи муборак бўлсин, Рустамжон!

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими.

ХИТКОЙ — 2004

- «А» гуруҳи
Хитой — Баҳрайн
Катар — Индонезия
- «В» гуруҳи
Ж.Корея — Иордания
Кувайт — БАА
- «С» гуруҳи
С.Арабистони — Туркменистон
Ироқ — Ўзбекистон
- «Д» гуруҳи
Япония — Уммон
Эрон — Таиланд



ЎЙИНЛАР ТАҚВИМИ

Сана	шаҳар	Ўйин	Сана	Жинан	Баҳрайн – Индонезия
17 июл	Пекин	Хитой — Баҳрайн	26 июл	Ченгду	Саудия Арабистони – Ироқ
18 июл	Пекин	Катар — Индонезия		Чонгкинг	Туркменистон — Ўзбекистон
	Ченгду	Саудия Арабистони — Туркменистон	27 июл	Пекин	БАА – Иордания
	Ченгду	Ироқ — Ўзбекистон		Жинан	Ж.Корея – Кувайт
19 июл	Жинан	Ж.Корея – Иордания	28 июл	Ченгду	Таиланд – Уммон
	Жинан	Кувайт — БАА		Чонгкинг	Япония – Эрон
20 июл	Чонгкинг	Япония — Уммон		Чорак финал	
	Чонгкинг	Таиланд — Эрон	30 июл	Пекин А1 — С2 (25)	
21 июл	Пекин	Баҳрайн — Катар		Ченгду С1 — А2 (26)	
	Пекин	Индонезия – Хитой	31 июл	Жинан В1 — Д2 (27)	
22 июл	Ченгду	Туркменистон – Ироқ		Чонгкинг Д1 — В2 (28)	
	Ченгду	Ўзбекистон		Ярим финал	
		— Саудия Арабистони	3 август	Жинан Ғолиб 25 – Ғолиб 27 (29)	
23 июл	Жинан	Иордания – Кувайт		Пекин Ғолиб 26 – Ғолиб 28 (30)	
	Жинан	БАА – Ж.Корея		3-ўрин учун	
24 июл	Чонгкинг	Уммон – Эрон	6 август	Пекин Мағлуб 29 – Мағлуб 30 (31)	
	Чонгкинг	Таиланд – Япония		Финал	
25 июл	Пекин	Хитой – Катар	7 август	Пекин Ғолиб 29 – Ғолиб 30 (32)	

Хитой – 2004 да иштирок этадиган миллий терма жамоамиз аъзолари таркиби

- Дарвозабонлар**
- № 1. Алексей Поляков 28.02.1974 «Крилья Советов» (Самара) 10 (19)
 - № 21. Игнатий Нестеров 20.06.1983 «Пахтакор» (Тошкент) 6 (5)
 - № 12. Евгений Сафонов 6.07.1977 «Шинник» (Ярославль) 12 (8)
- Химоячилар**
- № 2. Бахтиёр Ашурматов 25.03.1976 «Пахтакор» (Тошкент, 37 (1))
 - № 3. Андрей Фёдоров 10.04.1971 «Рубин» (Қозон) 47 (7)
 - № 24. Асрор Алиқулов 12.09.1978 «Пахтакор» (Тошкент) 23
 - № 28. Алексей Николаев 15.09.1979 «Пахтакор» (Тошкент) 9
 - № 13. Шавкат Раимқулов 7.05.1984 «Трактор» (Тошкент) –
 - № 4. Миржалол Қосимов 17.09.1970 «Алания» (Владикавказ) 52 (23)
 - № 6. Леонид Кошелев 20.12.1979 «Пахтакор» (Тошкент) 25 (2)
- № 7. Андрей Акопянц 27.08.1977 «Ростов» (Ростов Дон) 32 (6)
- № 8. Сервер Жепаров 3.10.1982 «Пахтакор» (Тошкент) 14 (2)
- № 9. Анвар Солиев 05.02.1978 «Пахтакор» (Тошкент) 18 (3)
- № 18. Тимур Копадзе 05.09.1981 «Пахтакор» (Тошкент) 14 (1)
- № 20. Илдар Магдеев 11.04.1984 «Пахтакор» (Тошкент) 2
- № 22. Николай Ширшов 22.06.1974 «Ростов» (Ростов Дон) 59 (13)
- № 23. Илёс Зейтуллаев 13.08.1984 «Ювентус» (Италия) 2
- № 26. Ислон Иномов 30.05.1984 «Пахтакор» (Тошкент) –
- Хужумчилар**
- № 11. Владимир Шишелов 8.11.1979 «Зимбру» (Молдова) 15 (8)
 - № 15. Александр Гейнрих 6.10.1984 ЦСКА (Москва) 8 (3)
 - № 17. Зафар Холмуродов 15.10.1976 «Насаф» (Қарши) 2
 - № 25. Марат Бикмаев 01.01.1986 «Крилья Советов» (Самара) 1

ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ҲАРБИЙ КАСБЛАРГА ЙЎНАЛТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА ЛИЦЕЙИ РАҲБАРИЯТИ



лицей педагогик жамоасини малакали педагогик кадрлар билан тўлдириш мақсадида қуйидаги мутахассисликларга эга бўлган ўқитувчиларни ишга таклиф қилади:

- ✓ Математика ўқитувчиси;
- ✓ Физика ўқитувчиси;
- ✓ Информатика ўқитувчиси;
- ✓ Инглиз тили ўқитувчиси;
- ✓ Кутубхоначи;

Лицей педагоглари учун белгиланган имтиёзлар мавжуд
Манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Янги Замон кўчаси 10а
Телефонлар: 191-48-26, 93-45-78

Бу йил футбол мухлислари асло зеркишмаяпти. Европа чемпионлар лигасидаги қутилмаган финал («Порту» - «Монако»), «Евро 2004»да Грециянинг кўрсатган «каромат»лари, Италия, Испания, Германия, Англия клублари ва терма жамоаларининг нуфузли мусобақаларда муваффақиятсиз иштироки...

Хуллас, энди навбат Осиёга келган кўринадди. Биз учун аҳамиятлиси, Хитойда бўлиб ўтадиган XIII Осиё чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси ҳам иштирок этади. Гарчи, футбол федерацияси раҳбарлари, терма жамоа мураббийлари, барча мухлисларнинг асосий диққати жаҳон чемпионати саралаш баҳсларига қаратилган бўлсада, футболчиларимиз Хитойдан ёруғ юз билан қайтишларини тилаб қоламиз.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРЛАРИ

Йил	Чемпион	2-ўрин	3-ўрин
1956	Ж.Корея	Исроил	Х.Тайпейи
1960	Ж.Корея	Исроил	Сянган
1964	Исроил	Ҳиндистон	Ж.Корея
1968	Эрон	Бирма	Исроил
1972	Эрон	Ж.Корея	Таиланд
1976	Эрон	Кувайт	Хитой
1980	Кувайт	Ж.Корея	Эрон
1984	С.Араб.	Хитой	Кувайт
1988	С.Араб.	Ж.Корея	Эрон
1992	Япония	С.Араб.	Хитой
1996	С.Араб.	БАА	Эрон
2000	Япония	С.Араб.	Ж.Корея

Сардор АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Og'riq

Тенгдошларим ўртасига хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқиш юқорилигидан ҳам хурсанд бўламан, ҳам ўқинаман. Хурсандлигим тил ўрганганлар бемалол хориждаги олийгоҳларда ўқиши, дунё кўриши, Ўзбекистонга келганлар билан эркин мулоқот қилиши, ўзи ўрганаётган соҳани дунё бўйича ривожлантириши мумкин. Қарияларимиз айтмоқчи, «Тил билган — эл билади». Бироқ мени ташвишга солган иккинчи жиҳат эса бу она тилга бўлган муносабатдир. Кўпинча кўча-кўйда, тенгдошларимнинг рус тилида гапиришлари, ўзбекча мулоқотда русча сўзларнинг кўп ишлатилишидан таажжубланаман. Икки ўзбек йигити ёки қизининг русча ёки инглизча (ҳозирда бу ҳам урф бўлаётти) сўзлашишини негадир ҳазм қилолмайман. Нима, бу замонавийлик белгисими ёки тарбиянинг натижасими? Наҳотки, она тилимиз ўзга забонларга нисбатан жозибасиз бўлса? Ёки ўзини маданиятли санаган инсон,

албатта, она тилига бошқа сўзларни қўшиб гапириши керакми?

Нега руслар, татарлар, тожиклар, инглизлар ўзаро ўзбекча гаплашмайди? Чунки ҳар ким ўз она тилига сўзлашади. Фақат бу бизнинг фуқароларимизга таллуқли эмасдай, гўё. Ўзбекча бошланган суҳбатларга

гиланган ва бу мугдат узайтирилди ҳам. Лекин ҳали ҳам аҳвол ўзгаргани йўқ. Буни ким назорат қилади? Умуман, тилни назорат қилиш керакми? Болтиқбўйи республикаларида давлат тилини билишга бўлган талаб жуда кучли. Унга ҳар бир фуқаро амал қилиши шарт. Дўконлар,

бир томондан қонунга ҳурматсизлик бўлса, иккинчи томондан, бу қонуннинг мажбурий эмаслиги давлат тилини билиш заруратини туғдирмайди. Қолаверса, учинчи томондан, бунга ўзимиз ҳам айбдоримиз. Чунки бизга бошқа миллат вакиллари, айтилик, руслар мурожаат қилишса, биз ўзбекча жавоб қайтариш ўрнига қийналасак ҳам русча гапирамиз. Ёки бўлмаса ўзбек тилини ўрганаётганлар талаффузда урғун нотўғри кўйиб хато қилсалар, биз уни тўғрилаш ўрнига куламиз ёки яна русча гапирамиз. Уларнинг тил ўрганишига имкон бермаймиз. Бу билан уларнинг давлат тилига бўлган иштиёқини ва ҳурматини сўндираемиз. Бунинг ўрнига уларга ёрдам беришимиз керак. Кўпроқ ўзбекча гапиришимиз, ўзаро ўзбекча суҳбатлашишимиз мақсадга мувофиқдир. Чунки она тилига бўлган ҳурмат-эътибор тўғри ва чиройли гапириш билан ҳам белгиланади. Биз шундай тоза ва равон гапирайликки, бошқа миллат вакиллари биздан ўрнак олсинлар. Сиз бунга нима дейсиз?

Улуғбек ЁРМАТОВ,
Мирзо Улуғбек туманидаги
241-мактаб битирувчиси

ҚИМ ҚИМТА ЎРТАМАДУ?

аста-секин бошқа сўзлар қўшилади. Кейин эса тўлиқ русча гаплашадилар.

Ўйланиб қоласан киши, «Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилинганига салкам ўн беш йил бўлаётганига қарамасдан тилнинг софлигига эришиш ўрнига, уни бузиш ҳоллари кўпаяётгандай. Айниқса, шу заминда яшаётган ўзга миллат вакиллари ҳали ҳам тилни билмайди. Ваҳоланки, улар учун мугдат бел-

озиқ-овқат шаҳобчалари, жамоат жойларида давлат тилида гаплашилади. Шу нуқтаи назардан давлат тилини ўрганиш мажбурий. Бизда эса ҳамон аҳвол ўзгармаяпти. Касса, телефон тармоқлари, «тез ёрдам», чиптахоналарда русийзабон кишилар ўтиради. Агар уларнинг тилида гапира олмасангиз, ишингиз битмайди ҳам. Давлат тилида гапириш уларнинг ҳаёллари ҳам келмайди. Бу

„ЁЛҚИН“ КРОССВОРДИ

БЎЙИГА: 1. Оғирлиги, вазни кам.
3. Якка, танҳо. 4. Айирув боғловчиси.
6. Ёруғ, ёғдули. 7. Улкан, катта.
10. Жисмоний жиҳатдан тўла ривожланганлик, камолот.
11. Бирон нарсанинг ҳаракатдаги йўли, траектория.
12. Мажлис, йиғин.
16. Адолат. 17. Мавжуд эмас. 18. Қадимги туркийда “ғазал”. 19. Ернинг қуёш атрофида бир марта айланиб чиқиш муддати. 23. Кийимнинг бўйин ўрни учун очилган тури. 24. Ҳақиқатга зид, нотўғри. 28. Тарика, тарз. 29. Чўнтак. 32. Етти киши.

ЭНИГА: 2. Максим Горькийнинг ма-

шхур романи. 5. Елпиш учун ишлатиладиган дастали буюм. 8. Бирор амал берилганлиги ҳақидаги расмий ҳужжат. 9. Кўпчилик. 13. Етти карра ўн. 14. Босиб ўтилган масофа. 15. Эр киши, жасур одам. 20. Хатга қарамасдан, ёддан. 21. Хирилдоқ аралаш кучли зарб билан нафас чиқариш. 22. Тўплаб қўйилган. 25. Отлар тўдаси. 26. Дук. 27. Ёнаётган нарсалардан кўтариловчи ўт. 30. Отнинг ёли ўраб қўйиладиган мато. 31. Ёнмаён турган. 33. Жонивор гўшти билан овқатланадиган. 34. Кимёвий элемент.

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Xullas...

ПИЁДА ЮРИШНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Канадалик Жан Беливо ҳар куни 30-40 км пиёда юриб, дунё кезмоқчи. Бундан уч йил олдин ўз саёҳатини бошлаган собиқ савдо ходими шу вақт мобайнида 17 минг км. йўл босиб, 15 жуфт оёқ кийимини тўзғитди ва Монреалдан Сан-Паулгача етиб борди.

47 ёшли Жан Беливонинг саёҳатга отланишига хотини билан аразлашиб қолганлиги сабаб бўлди. У бироз қадрини ошириб, 2012 йилда оиласи ёнига қайтиш ниётида.

ИТЛАРНИНГ САДОҚАТИ

Калгари университети ва болалар касалхонасининг шифокори Адам Киртон ва унинг гуруҳи айрим итлар болаларда тутканок (эпилепсия) касаллиги бошланишини олдиндан сезишни пайқашди. Тажриба учун уйда ити бор 45 та оила жалб этилди. Шулардан 20 та оила вакиллари ўз итларининг тутканокни олдиндан сезишини айтишди. 10 та ит болани ёки оиласини 2-3 дақиқа аввал огоҳлантиришга ҳаракат қилади, айримлари эса беш соат аввал хабар беришади.

Ота-оналар Киртон гуруҳига ҳайратга соладиган воқеаларни айтиб беришди. Масалан, касаллик бошланишидан 15 дақиқа олдин ит қизчани зинапоядан нари «суриб» кўйди. Бошқа ит эса аввалдан болакайнинг устига чиқиб, унинг туришига йўл қўймади. Ротвейлер зотли ит боланинг ҳамма еридан ўраб олгандек, ёнига ётиб олди. Чунки бола тутканок оқибатида йиқилса, итнинг устига юмшоқ тушар эди.

Олимлар ҳалигача итлар қандай қилиб тутканок бошланишини олдиндан билишлари ҳайрон қоляптилар.

ҲАВО ШАРИДА САЁҲАТ

Америка ички ишлар хизмати ходимлари ҳаво шарида сайр қилиб юрган жўжачани қутқаришди. Номаълум ҳазилкаш бу «бахтсиз» жўжачани юзлаб шарларга боғлаб, очик ҳавога қўйиб юборган бўлса керак. Шарлар эса баланд электр симларига илиниб қолади.

Буни биринчи бўлиб кўриб қолган кампир полицияга хабар қилди. Ҳозирда «саёҳатчи жўжа» Сан-Францискода «бошпанасиз қушлар ва жониворлар уйи»да яшайпти. Унга Амелия деб исм қўйишган. Хизматчиларнинг айтишича, бу антиқа жўжа янги муҳитга ҳам тезда мослашди.

ana shunaqa gaplar

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Малоҳат ТОШОВА
саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.

Ma'rifat

**ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:**
Ўзбекистон Халқ таълими
вазирлиги, Ўзбекистон
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги, Таълим
ва фан ходимлари касба
уюшмаси Марказий
Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ,
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром
БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин
КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой
МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ,
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари), Хулкар ТҶИМАНОВА,
Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла
ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
№ 024 рақам билан 2003 йил
17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-829.
Тиражи 21368. 1 2 3 5 6
Ҳажми 4 босма табок.
Офсет усулида босилган, қоғоз
бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Шарифа МАДРАҲИМОВА.
Навбатчи:
Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиб
тахририят руссати билан амалга оширилиши шарт.
Тахририятга юборилган материаллар муаллифга
қайтарилмайди.

белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий
таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мак-
табдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —
136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт ян-
гиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таъ-
лим янгиликлари бўлими, ўқувчилари касбага
йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари
бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўли-
ми—136-54-69.